ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

# 299 «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида

«Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ҳар йили иш берувчининг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифларининг амалда қўлланишини таҳлил қилсин ва зарурат бўлганда, Ўзбе-

кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифларига, уларнинг чекланган даражасига, таркибига ҳамда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта мукофоти суммасини аниқлашда суғурталовчи томонидан уларни қўлланиш тартибига ўзгартишлар юзасидан таклифлар киритсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга 2-иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 24 июнь,
177-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 24 июндаги 177-сон қарорига
1-ИЛОВА

## Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш ҚОИДАЛАРИ

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоидалар иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш (кейинги ўринларда мажбурий суғурта қилиш деб аталади) тартибини белгилайди.

2. Ушбу Қоидаларда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**аннуитент** — ўзига нисбатан аннуитетлар шартномаси тузилган ва жорий тўловлар тарзида суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахс;

**наф олувчи** — ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс;

**қоплов суммаси** — аннуитетлар шартномаси муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига тўланадиган пул маблағлари суммаси;

**иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси** (кейинги ўринларда мажбурий суғурта қилиш шартномаси деб аталади) — суғурталовчи унинг бўйича суғурта ҳодисаси вужудга келганда келишилган тўлов (суғурта мукофоти) юзасидан иш берувчига ва (ёки) жабрланганга ёхуд наф олувчига меҳнатда майиб бўлганлиги, касб касаллигига чалиниши ёки унинг меҳнат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланганлиги муносабати билан ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини суғурта суммаси доирасида қоплаш мажбуриятини оладиган суғурта шартномаси;

**аннуитетлар шартномаси** — суғурталовчи унга кўра аннуитетлар шартномаси бўйича аннуитетлар шартномасида келишилган тўловни (суғурта мукофотини) бир йилдан кўп муддатга жорий тўловлар тарзида суғурта суммаси доирасида суғурта товонини тўлашни амалга ошириш мажбуриятини оладиган суғурта шартномаси;

**ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса** — ходимнинг у меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ўз вазифаларини иш берувчининг ҳудудида ҳам, ундан ташқарида ҳам бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва ходимни бошқа ишга ўтказиш заруриятини келтириб чиқарган, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотишига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса;

**касб касаллиги** — ходимнинг унга ишлаб чиқаришнинг зарарли ёки хавфли омили таъсири натижаси бўлган ва унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёхуд турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллиги;

**жабрланувчи** — ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан соғлиғига зарар етказилган, суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган ходим;

**ходим** — иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлаётган жисмоний шахс;

**иш берувчи** — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний шахс билан меҳнат шартномаси (контракт) тузган юридик ёки жисмоний шахс;

**суғурта мукофоти** — иш берувчининг мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилиш ёки аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига мажбурий суғурталаш шартномасига ёки аннуитетлар шартномасига мувофиқ тўлаши шарт бўлган пул маблағлари суммаси;

**мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта пули** — суғурталовчи мажбурий суғурта қилиш шартномаси доирасида жабрланувчига (наф олувчига) етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини оладиган сумма;

**аннутиетлар шартномаси бўйича суғурта пули** — жабрланувчига (наф олувчига) бир йилдан кўп муддатга жорий тўловлар тарзида суғурта товонини тўлашни назарда тутадиган етказилган зарарнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган миқдори;

**суғурта полиси** — мажбурий суғурта қилишнинг амалга оширилганлигини тасдиқловчи белгиланган намунадаги ҳужжат;

**мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси** — иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиши даврида ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги вужудга келганлиги белгиланган тартибда тасдиқланган факт;

**аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси** — аннуитетнинг аннуитетлар шартномаси амал қиладиган даврда жорий тўлов тарзида суғурта товонини амалга ошириш санасигача яшаши;

**иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчи** — умумий суғурта қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

**аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи** — ҳаётни суғурта қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

**касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражаси** — касбга оид меҳнат қобилиятининг ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса юз бергунига қадар бўлган, фоизларда ифодаланган, тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси томонидан аниқланадиган пасайиши;

**меҳнатда майиб бўлиш** — ходимнинг касбга оид меҳнат қобилиятини ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида вақтинча ёки турғун йўқотиши.

3. Иш берувчи у давлат рўйхатидан ўтказилган санадан ёки иш берувчилар — жисмоний шахслар учун меҳнат шартномаси (контракти) тузилган санадан бошлаб 15 иш кунидан кечикмай меҳнатда шикастланиш, касб касаллиги ёки унинг меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш бўйича ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиши шарт.

Иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш мажбурияти ушбу Қоидаларга мувофиқ «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-банди иккинчи қисми қоидалари амалга киритилган кундан бошлаб кучга киради.

4. Меҳнатда шикастланиш, касб касаллиги ёки унинг меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш бўйича ўз фуқаролик жавобгарлиги пайдо бўлган тақдирдаги иш берувчининг мулкий манфаатлари мажбурий суғурта қилиш объекти ҳисобланади.

5. Иш берувчи, мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчи (кейинги ўринларда суғурталовчи деб аталади), аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи, жабрланувчи ва наф олувчи мажбурий суғурта қилиш субъектлари ҳисобланади.

6. Иш берувчи ушбу Қоидалар асосида суғурталовчи билан мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузади, унга мувофиқ суғурта ҳодисаси вужудга келган даврда иш берувчига ва (ёки) жабрланувчига ёхуд наф олувчига ходимнинг меҳнатда шикастланиши, касб касаллиги ёки унинг меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлайди.

Етказилган зарарни қоплаш бир йилдан кўп муддатга тўловни назарда тутган ҳолларда иш берувчи мазкур Қоидаларга мувофиқ аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи билан аннуитетлар шартномасини тузади, унга кўра аннуитетга жорий тўловлар тарзида суғурта товонини тўлови амалга оширилади.

7. Суғурта ҳодисаси муносабати билан жабрланувчига (наф олувчига) етказилган маънавий зарар мажбурий суғурта қилиш бўйича қопланмайди.

8. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси ва мажбурий суғурта қилиш полиси, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда, аннуитетлар шартномаси ва аннуитетлар шартномаси бўйича полис мажбурий суғурта қилишнинг амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади.

## II. Мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш, ўзгартириш ва унинг амал қилишини муддатидан олдин тўхтатиш тартиби

9. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси оммавий ҳисобланади ва иш берувчи ҳамда суғурта қилувчи ўртасида ушбу Қоидаларга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича бир йил муддатга тузилади. Агар иш берувчи ўз фаолиятини бир йилдан кам муддатда амалга оширса, у ҳолда мажбурий суғурта қилиш шартномаси иш берувчи фаолиятни амалга ошириш муддатига тузилади.

10. Иш берувчи мажбурий суғурта қилишни амалга оширадиган суғурталовчини ва аннуитет шартномаси бўйича суғурталовчини танлаш ҳуқуқига эга.

11. Суғурталовчи ўзига ёзма ариза билан мурожаат қилган ва ушбу Қоидаларга мувофиқ ҳужжатларни тақдим этган иш берувчига мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузишни рад этишга ҳақли эмас.

12. Мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш учун иш берувчи суғурталовчига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) ушбу Қоидаларга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш тўғрисидаги ариза;

б) иш берувчи — жисмоний шахс паспортининг ёки унинг шахсини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатининг нусхаси (фотосурати ва рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги охирги ёзув мавжуд бўлган бетлари);

в) иш берувчининг (юридик шахслар учун) давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси.

Иш берувчи суғурталовчига тақдим этиладиган маълумотлар ва ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгар ҳисобланади.

13. Мажбурий суғурта қилиш полиси иш берувчига суғурталовчининг ҳисоб рақамларига мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти келиб тушган кундан кейинги уч иш кунидан кечикмай берилади.

Суғурта полиси бланкаси қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганликнинг камида 3 даражасига эга бўлиши керак. Суғурта полиси бланкаси суғурталовчининг (аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчининг) буюртмаси бўйича, босмахона усулида «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида ушбу Қоидаларга 3 ва 8-иловаларга биноан намуналарга мувофиқ тайёрланади.

14. Суғурта полиси йўқолган тақдирда иш берувчи унинг дубликатини олиш ҳуқуқига эга.

Дубликат суғурталовчи томонидан иш берувчи мурожаат қилган ва у дубликатни тайёрлаш харажатларини иш берувчи мурожаат қилган санада қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг кўпи билан 10 фоизи миқдорида тўлаган кундан бошлаб икки кун муддатда берилади.

15. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси амал қиладиган даврда иш берувчи ёзма шаклда ва ушбу Қоидаларда назарда тутилган муддатларда суғурталовчига мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида хабар қилиш шарт.

16. Иш берувчидан мажбурий суғурта қилиш шартномасини тақдим этилган маълумотлардаги ўзгаришлар тўғрисида ариза олинганда суғурталовчи, зарурат бўлганда, мажбурий суғурта қилиш шартномасига қўшимча битимни тузади ва суғурта полисини қайтадан расмийлаштиради.

17. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари у амал қилган даврда ўзгарган тақдирда суғурта мукофоти миқдорига ўзгарган шартларга мувофиқ ҳолда ўзгартириш киритилади. Бунда томонларнинг суғурта мукофотининг ўзаро ҳисоб-китобларига тааллуқли бўлган мажбуриятлари мажбурий суғурта қилиш шартномасига қўшимча битим тузилган санадан бошлаб 3 иш кунидан кечикмай бажарилиши керак.

18. Агар иш берувчи мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари ёки ушбу Қоидаларнинг 17-бандида назарда тутилган ҳолларда мажбурий

суғурта қилиш шартномаси бўйича қўшимча суғурта мукофоти тўлашга қарши бўлса, у ҳолда суғурталовчи мажбурий суғурта қилиш шартномасининг бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир. Бунда мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича тўланган суғурта мукофоти қайтариб берилмайди.

19. Мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиши қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин тўхтатилади:

а) иш берувчи — юридик шахс тугатилганда ёки қайта ташкил этилганда;

б) иш берувчи — жисмоний шахс вафот этганда;

в) мажбурий суғурта қилиш шартномаси суд қарорига кўра ҳақиқий эмас деб эътироф этилганда.

Мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда ҳам муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

20. Мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиши муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда суғурта мукофотининг бир қисми тўланган суғурта товони суммасига ва мазкур шартнома амал қилишининг кунлар ҳисобидаги қолган муддатига мутаносиб равишда қайтариб берилади. Бунда мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиши ушбу Қоидалар 19-бандининг «а», «б» ва «в» кичик бандларида кўрсатилганлардан бошқа асосларга кўра муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда суғурталовчи суғурта мукофотининг қайтариб берилаётган қисмидан ушбу шартнома бўйича исботланадиган харажатларнинг суғурта мукофотининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдордаги суммасини чегириб қолиши мумкин.

## III. Суғурта суммаси, суғурта мукофоти ва мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофотини тўлаш тартиби

21. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта суммаси қуйидаги миқдорда белгиланади:

мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилган санадаги ҳолатга кўра фаолиятини бир йилдан ортиқ амалга ошириб келаётган иш берувчи учун — мажбурий шартнома тузилган ойдан олдинги ўн икки ой учун иш берувчи барча ходимларининг бир йиллик иш ҳақи миқдорида;

ўз фаолиятини янгитдан амалга ошираётган иш берувчи учун — мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилган ойдан кейинги ўн икки ой учун иш берувчи барча ходимларининг бир йиллик иш ҳақи миқдорида. Бунда йиллик иш ҳақи биринчи ойдаги иш ҳақи миқдорини ўн иккига кўпайтириш орқали ҳисоблаб чиқарилади;

фаолиятини бир йилдан кам бўлган муддатга амалга оширувчи иш берувчи учун — иш берувчи барча ходимларининг иш берувчининг мазкур фаолияти амалга ошириладиган муддатдаги иш ҳақи миқдорида.

22. Мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиш муддати

давомида йиллик иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда, суғурта пули ва суғурта мукофоти қисмига ушбу шартномага ёзма равишда қўшимча келишув тузиш орқали ўзгартиришлар киритилади. Бунда мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофотини қайта ҳисоб-китоб қилиш мазкур шартнома тузилган санада амалда бўлган суғурта тарифи бўйича, қолган суғурта даври ва суғурта пулига мутаносиб равишда амалга оширилади.

23. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти миқдори ушбу Қоидаларга 9-иловага мувофиқ суғурта тарифларига биноан ҳисоблаб чиқарилади.

Суғурта тарифларининг мажбурий суғурта қилиш шартномаси амал қиладиган муддат мобайнида ўзгариши иш берувчи томонидан тўлов вақтида амалда бўлган суғурта тарифлари бўйича тўланган суғурта мукофотининг ўзгаришига олиб келмайди.

24. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофотини ҳисоблаш суғурталовчи томонидан, мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузиш тўғрисидаги аризада иш берувчи кўрсатган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

25. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилгандан кейин мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузиш тўғрисидаги аризада иш берувчининг нотўғри ва (ёки) хато маълумотлар кўрсатганлиги аниқланган тақдирда суғурта мукофоти миқдори суғурта тарифларига ва мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилган вақтда амалда бўлган иш берувчи фаолият турларининг хавфлилик даражаси тавсифига мувофиқлаштирилиши керак.

26. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти иш берувчи томонидан, мажбурий суғурта қилиш шартномаси тузилган санадан бошлаб беш иш кун мобайнида бир йўла тўланади.

Суғурта мукофоти нақд пул билан тўланган тақдирда суғурталовчи (унинг филиали ёки суғурта агенти) томонидан пул маблағлари қабул қилиб олинган сана тўлов санаси ҳисобланади. Суғурта мукофоти нақд пулсиз тўланган тақдирда пул маблағларининг суғурталовчи (унинг филиали ёки суғурта агенти) ҳисоб рақамига тушган санаси суғурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.

Иш берувчининг ҳисоб рақамидаги пул маблағлари етарли бўлмаган тақдирда мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофотини тўлаш иш берувчининг ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларига мўлжалланган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

27. Агар суғурталовчи мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиш даврида суғурта товонини тўлаган бўлса, мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта пули тўланган суғурта товони суммаси миқдорига камайтирилади. Бунда иш берувчи тўланган суғурта товони суммасига ҳамда мажбурий суғурта қилиш шартномасининг қолган амал қилиш муддатига мутаносиб равишда суғурта мукофотини етти иш куни мобайнида қўшимча равишда тўлаши шарт.

## IV. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси томонларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

28. Иш берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

суғурталовчидан мажбурий суғурта қилиш шартномасининг шартларини тушунтириб беришни талаб қилиш;

суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

йиллик иш ҳақи миқдори камайган тақдирда, суғурта мукофотининг йиллик иш ҳақи миқдорининг камайишига ва мажбурий суғурта қилиш шартномасининг тугалланмаган даврига мутаносиб қисмини олиш.

Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

29. Иш берувчи:

мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича ва айрим ҳолларда аннуитетлар шартномаси бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурта мукофотини тўлаши;

йиллик иш ҳақи миқдори ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурталовчига ёзма шаклда хабар қилиши;

иш берувчи томонидан амалга оширилаётган фаолият турларининг хавфлилик даражаси ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурталовчига ёзма шаклда билдириши ва зарур бўлган ҳолларда, қўшимча ҳисоблаб чиқарилган суғурта мукофотини тўлаши;

ходимларни мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан таништириши, шу жумладан, мазкур шартнома бўйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни жабрланувчи ёки наф олувчи ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат қилган санадан эътиборан икки иш куни мобайнида тақдим этиши;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса юз берганлиги ўзига маълум бўлган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурталовчига ёзма шаклда билдириши;

агар суғурта товони жабрланувчи ёки наф олувчи томонидан қилинган суиистеъмолликлар оқибатида асоссиз равишда тўланган бўлса, ортиқча тўланган суғурта товони ҳақида суғурталовчига хабар қилиши ва ортиқча тўланган маблағларни суғурталовчига қайтариш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриши шарт.

Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

30. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текширишда иштирок этиш ва зарур бўлган ҳолларда тегишли экспертларни жалб этиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисага доир ахборотни текшириш;

суғурта мукофотини аниқлаш учун суғурта хавфини баҳолаш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар бериш.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

31. Суғурталовчи:

мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан иш берувчини таништириши, шу жумладан, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган, иш берувчи ва (ёки) жабрланувчи ёхуд наф олувчи тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши;

суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, иш берувчи суғурта товонини тўлаш учун мурожаат этганидан кейин ўн беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда иш берувчига рад этиш сабабларини далиллар билан асослантирган ҳолда ёзма шаклда хабар қилиши;

ушбу Қоидаларнинг 34-бандида назарда тутилган барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган санадан эътиборан ўн иш кунидан кечиктирмай қарор қабул қилиши ва суғурта товонини тўлаши;

ўзи алмаштирилган тақдирда бу ҳақда иш берувчига дарҳол ёзма шаклда хабар бериши шарт.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

32. Жабрланувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

иш берувчига ёки суғурталовчига ёхуд аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига суғурта товонини тўлаш ҳақида ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат этиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурта товони олиш;

мажбурий суғурта қилиш шартномасининг ёки аннуитетлар шартномасининг шартлари тўғрисида иш берувчидан ёки суғурталовчидан ёхуд аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан бепул ахборот олиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани текширишда зарурият бўлганда, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи вакилларини ёхуд ўзининг ишончли шахсини жалб этган ҳолда белгиланган тартибда иштирок этиш;

иш берувчидан суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни олиш.

33. Наф олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

суғурта товонини олиш ҳақидаги талаб билан иш берувчига ёки суғурталовчига мурожаат этиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурталовчи ва (ёки) аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан суғурта товонини олиш;

иш берувчидан, суғурталовчидан мажбурий суғурта қилиш шартнома-

синнинг шартлари тўғрисида ҳамда аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан аннуитетлар шартномаси шартлари ҳақида бепул ахборот олиш;

ходим ўз меҳнат вазифаларини бажараётганда вафот этганлиги ҳақида иш берувчига хабар қилиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани текширишда белгиланган тартибда иштирок этиш, зарур бўлган ҳолларда касаба уюшмаси вакилларини ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи вакилларини ёхуд ўзининг ишончли шахсини жалб этган ҳолда иштирок этиш;

иш берувчидан суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни олиш.

## V. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта ҳодисаларини кўриб чиқиш тартиби

34. Иш берувчи ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани текшириш якунларига кўра суғурталовчига суғурта товони талабидан иборат бўлган ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат қилади (ушбу Қоидаларга 4-илова), унга қуйидагилар илова қилинади:

иш берувчининг ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатларига кўра етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида ушбу Қоидаларга 5 ёки 5-1-иловаларга мувофиқ шакл бўйича буйруғининг нусхаси;

ходимнинг ёки наф олувчининг етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаби кўрсатилган, иш берувчининг номига ёзилган аризасининг нусхаси;

суғурта ҳодисаси юз бергунига қадар ходим олган ўртача ойлик ёки йиллик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома;

меҳнат шартномасининг (контрактнинг) нусхаси;

касб касаллигида — ходимнинг касб касаллиги тўғрисидаги тиббий хулоса;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса содир бўлганлигини ва ходим учун унинг оқибатини тасдиқловчи ҳужжатлар (ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани махсус текшириш далолатномаси, тиббий-меҳнат экспертиза комиссиясининг хулосаси, низолар юзага келган ҳолларда эса — суднинг қарори).

Ходим вафот этган тақдирда ходимнинг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси ва наф олувчининг зарарнинг ўрни қопланишига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам илова қилинади.

Ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилиш тақиқланади.

35. Ҳужжатларни қабул қилиб олган суғурталовчи иш берувчига тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхатини ва улар қабул қилиб олинган санани кўрсатган ҳолда маълумотнома бериши шарт.

36. Суғурталовчи тегишли сўровнома бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан, судлардан, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ва бошқа ташкилотлардан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса би-

лан боғлиқ ҳужжатларни ва хулосаларни олишга, шунингдек жабрланувчига ёхуд наф олувчига етказилган зарарнинг сабабларини, ҳолатини ва миқдорини мустақил равишда аниқлашга ҳақлидир.

37. Суғурталовчи ушбу Қоидаларнинг 34-бандда кўрсатилган барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган санадан бошлаб ўн иш кунидан кечикмай суғурта ҳодисасини тан олиш тўғрисида қарор қабул қилиши ва суғурта товонини тўлаши шарт.

38. Суғурта ҳодисасини тан олиш ва суғурта товони миқдорини аниқлаш суғурталовчи томонидан, иш берувчи тақдим этган ҳужжатларни ўрганиш, шунингдек ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани текшириш учун жалб этилган экспертларнинг тегишли хулосалари асосида амалга оширилади.

39. Суғурта ҳодисаси тан олинганда ва суғурта товони суммаси белгиланганда суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома тузилади, у ҳар қайси томон учун бир нусхадан — икки нусхада, суғурталовчи ва иш берувчи томонидан имзоланади.

Суғурта товонини бир йилдан кўп муддат учун тўлаш зарур бўлганда суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома суғурта товонини бир йилдан кўп муддат учун асосли равишда ҳисоблаш учун иш берувчи томонидан танланган аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи иштирокида тузилади. Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома ҳар қайси томон учун бир нусхадан — уч нусхада, суғурталовчи, иш берувчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи томонидан имзоланади.

40. Суғурталовчи томонидан суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда бу ҳақда иш берувчига унинг суғурта товонини тўлаш талабидан иборат бўлган ариза билан ёзма мурожаатидан кейин ўн беш иш кунидан кечикмай рад этиш асослари кўрсатилган ҳолда хабар қилинган бўлиши керак.

## VI. Етказилган зарар миқдорини белгилаш ва мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товонини тўлаш тартиби

41. Ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

Мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта товони етказилган зарар миқдорида, лекин суғурта пули миқдоридан кўп бўлмаган миқдорда тўланади.

42. Агар суғурта ҳодисаси натижасида иш берувчида бир нафардан кўп ходим олдида жавобгарлик пайдо бўлса ва у суғурта пулидан ортиқ бўлса мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товони ҳар бир жабрланувчига ёхуд наф олувчига унинг етказилган зарар умумий миқдоридаги улушига мутаносиб равишда, лекин мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта пулидан кўп бўлмаган миқдорда тўланади.

43. Мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта товони:

жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўлов ёки касб касаллиги аниқлангунга қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланадиган ҳар ойлик тўлов;

марҳумнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридаги, унинг ўзига ва қарамоғида бўлган, лекин етказилган зарарнинг ўрни қопланишига ҳақли бўлмаган, меҳнатга қобилиятли шахсларга тўғри келадиган улуш чегириб ташланган ҳолдаги ҳар ойлик тўлов;

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда жабрланувчига ёки наф олувчига бир йўла бериладиган нафақа тўлови;

ходим вафот этган тақдирда мажбурий суғурта қилиш шартномасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 3 бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги дафн этиш харажатлари;

иш берувчининг қўшимча харажатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация қилиш тарзида амалга оширилади.

44. Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори оширилган тақдирда, ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги муносабати билан зарарнинг ўрнини қоплашнинг белгиланган суммаси энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг оширилишига мутаносиб равишда кўпайтирилади. Бунда зарар ўрнини қоплашнинг кўпайтирилган суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш берувчи томонидан қўшимча тарзда тўланади.

45. Агар мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиш муддати тугагандан кейин, кўрсатилган шартнома амал қилган даврда рўй берган суғурта ҳодисаси оқибатида аниқланган зарар миқдори белгиланган тартибда қайта кўриб чиқилса, у ҳолда бундай зарарни қоплаш бўйича мажбурият иш берувчи зиммасида бўлади.

46. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товони, агар етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бир йилгача муддат учун тўловни назарда тутса, суғурталовчи томонидан жабрланувчига ёки наф олувчига тўланади. Бунда иш берувчининг талабига кўра суғурталовчи унга суғурта товони тўланганини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари нусхасини тақдим этиши шарт.

47. Суғурталовчининг жабрланувчига ёки наф олувчига мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товонини тўлаш мажбуриятлари юридик шахс — иш берувчи тугатилганда, жисмоний шахс — иш берувчи вафот этганда ёки ушбу шартнома амал қилган даврда жабрланувчи ва иш берувчи ўртасидаги меҳнат муносабатлари тўхтатилган ҳолларда сақланиб қолади.

48. Мажбурий суғурта қилиш шартномасининг иш берувчининг ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг соғлиғи ёмонлашганлиги ёхуд вафот этганлиги туфайли келиб чиққан қўшимча харажатларининг компенсация

қилинишига доир қисми бўйича суғурта товони иш берувчига, у шундай харажатларни амалга оширганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида тўланади.

49. Агар етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бир йилдан ортиқ муддат учун тўловни назарда тутса, мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товони суғурталовчи томонидан иш берувчига тўланади. Бунда иш берувчи ушбу Қоидаларнинг 52-бандига мувофиқ аннуитетлар шартномасини тузиши ва мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича олинган суғурта товонидан фақат аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта мукофотини тўлаш учун фойдаланиши шарт. Агар иш берувчининг мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича олган суғурта товони суммаси аннуитетлар шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта мукофоти миқдоридан кам бўлса, у ҳолда фарқ иш берувчи ҳисобидан қўшимча равишда тўланиши керак.

50. Иш берувчида ушбу Қоидаларнинг 49-бандига мувофиқ суғурта мукофотидаги фарқни қўшимча равишда тўлаш учун маблағлар етарли бўлмаган тақдирда аннуитетлар шартномаси мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича олинган суғурта товони пулига мутаносиб бўлган муддатга тузилади. Бунда иш берувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жабрланувчига ёхуд наф олувчига зарарнинг тегишли қисмини тўлаш бўйича жавобгарликни зиммасига олади.

51. Суғурта товонини ўтказиш бўйича харажатлар суғурталовчининг ҳисобидан амалга оширилади.

## VII. Аннуитетлар шартномасини тузиш тартиби

52. Иш берувчи мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товони пули ўзининг ҳисоб рақамига тушган кундан бошлаб етти иш куни мобайнида аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи билан аннуитетлар шартномаси тузиши шарт. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи аннуитетлар шартномасида шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига, суғурта пули доирасида тегишли равишда:

жабрланувчига у ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар учун;

ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда, суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган наф олувчига жорий тўловлар тарзида бир йилдан ортиқ муддат учун суғурта товони тўлаш мажбуриятини олади.

53. Аннуитетлар шартномаси оммавий шартномадир ва ушбу Қоидаларга 6-иловага мувофиқ шакл бўйича тузилади.

Аннуитетлар шартномаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жабрланувчига меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражаси белгиланган муддатга ёки наф олувчи суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўладиган муддатга тузилади.

Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи аннуитетлар шартнома-

си тузиш тўғрисида ёзма ариза билан ўзига мурожаат қилган ва ушбу Қоидаларга мувофиқ ҳужжатларни тақдим этган иш берувчига аннуитетлар шартномаси тузишни рад этишга ҳақли эмас.

54. Аннуитетлар шартномаси тузиш учун иш берувчи аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) ушбу Қоидаларга 7-иловага мувофиқ шакл бўйича аннуитетлар шартномасини тузиш тўғрисидаги ариза;

б) иш берувчи паспортининг ёки унинг шахсини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатининг нусхаси (жисмоний шахснинг иш берувчиси учун);

в) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

г) жабрланувчи (наф олувчи)нинг паспорти ёки унинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатининг нусхаси;

д) иш берувчининг ушбу Қоидаларга 5 ёки 5-1-иловаларга мувофиқ шакл бўйича, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатларига кўра етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги буйруғининг нусхаси.

Ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилиш тақиқланади.

55. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта полиси иш берувчига аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчининг ҳисоб рақамига аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта мукофоти тушган кундан кейинги уч иш кунидан кечикмай берилади.

Суғурта товони жорий тўловлар тарзида икки ёки ундан кўп шахсларга тўланиши керак бўлган тақдирда аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта полиси ҳар бир бундай шахсга алоҳида-алоҳида берилади.

Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта полиси йўқолган тақдирда иш берувчи ёки аннуитент унинг дубликатини олиш ҳуқуқига эгадир.

Дубликат аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига иш берувчи ёки аннуитент мурожаат қилган кундан ва у дубликатни тайёрлаш бўйича харажатларни иш берувчи ёки аннуитент мурожаат қилган санада қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг кўпи билан 10 фоизи миқдорида тўлаган кундан бошлаб икки кун муддатда берилади.

56. Аннуитетлар шартномаси тузилгандан кейин иш берувчи аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пули миқдорини аниқлаш билан боғлиқ бўлган ёлғон маълумотларни қасддан хабар қилганлиги аниқланган тақдирда аннуитетлар шартномаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳаққоний эмас деб эътироф этилиши мумкин.

## VIII. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пули, суғурта мукофоти ва қоплов пули

57. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пули жабрланувчига ёки наф олувчига қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрни қопланиши лозим бўлган етказилган зарар миқдорида белгиланади.

Зарар ўрнини қоплаш ноаниқ муддатга белгиланган тақдирда аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пулини ҳисоблаш учун аннуитетлар шартномаси тузилган вақтда Ўзбекистон Республикасида белгиланган аҳоли умрининг ўртача давом этиш кўрсаткичи қўлланилади. Аннуитент ўртача умр кўриш муддатини яшаган тақдирда унинг умр кўриш даврининг қолган даврида кўрилган зарар иш берувчи томонидан белгиланган тартибда қопланади.

Шу билан бирга, агар аннуитет умрининг қолган даврида иш берувчи тугатилган тақдирда зарарни ундириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

58. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта мукофоти аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пулига тенг бўлиб иш берувчи томонидан аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталашнинг бутун даври учун аннуитет шартномаси тузилган муддатдан бошлаб беш иш куни мобайнида бир йўла тўланади. Энг кам ойлик иш ҳақининг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оширилган тақдирда ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига зарар етказилиши билан боғлиқ ҳолда белгиланган зарарни ундириш пули энг кам ойлик иш ҳақининг ошишига мутаносиб равишда кўпаяди. Бунда кўрилган зарарни ундиришнинг кўпайтирилган суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш берувчи томонидан қўшимча равишда тўланади.

59. Қоплов пули аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта мукофотидан жорий тўловлар тарзидаги суғурта тўловлари ва аннуитетлар шартномаси бўйича ишларни юритишга исботланган харажатлар суммасини чегирган ҳолдаги суммага тенг бўлади.

## IX. Аннуитетлар шартномаси томонларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

60. Иш берувчи қуйидагиларга ҳақлидир:

аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш;

аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда қоплов пулини талаб қилиш.

Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

61. Иш берувчи қуйидагиларга мажбур:

қонун ҳужжатларида белгиланган шартларда ва тартибда суғурта мукофотини тўлаш;

суғурта полисини аннуитентга бериш ва уни аннуитетлар шартномаси бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятлар билан таништириш;

аннуитентни аннуитет шартномаси шартларининг ўзгарганлиги тўғрисида хабардор қилиш;

аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчини аннуитетлар шартномаси тузиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган маълумотларнинг ўзгарганлиги ҳақида хабардор қилиш.

Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

62. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

иш берувчидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш;

жорий тўловлар тарзида суғурта товонини олиш юзасидан аннуитент ҳуқуқининг мавжудлигини текшириш;

жорий тўловлар тарзидаги суғурта тўловини, агар аннуитент бундай тўловларни олиш ҳуқуқини йўқотган бўлса, рад этиш.

Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

63. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қуйидагиларга мажбур:

иш берувчига суғурта полисини бериш;

жорий тўловлар тарзида суғурта товонини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш.

Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

## X. Аннуитетлар шартномаси бўйича жорий тўловлар тарзида суғурта товонини тўлаш тартиби

64. Аннуитетлар шартномаси бўйича жорий тўловлар тарзида суғурта товони:

жабрланувчи учун — жабрланувчининг меҳнатда майиб бўлгунгача унинг касб бўйича меҳнат фаолияти йўқотилишининг тегишли даражасига кўра ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоизлардаги ҳар ойлик тўлови миқдорида;

наф олувчи учун — унинг ўзига ва унинг қарамоғида бўлган, лекин зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлмаган меҳнатга лаёқатли шахсларга тўғри келадиган улушни чегирган ҳолда, вафот этган ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида белгиланади.

65. Суғурта товонини жорий тўловлар тарзида ундириш қонун ҳужжатларига мувофиқ жабрланганга ёки наф олувчига зарарни ундириш зарурлиги белгиланган давр мобайнида амалга оширилади ва у ушбу давр ўтгандан кейин ёки аннуитет вафот этган кунда тўхтатилади.

66. Аннуитетлар шартномаси амал қиладиган даврда суғурта товонини жорий тўловлар тарзида олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар сони ўзгарган тақдирда суғурта товони миқдори бундай шахслар ўртасида қайта тақсимланади. Жорий тўловлар тарзида суғурта товонининг қайта тақсимланишига олиб келадиган вазиятлар вужудга келган тақдирда аннуитент ёки иш берувчи аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчини бу тўғрида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

67. Иш берувчидан аннуитетлар шартномасига ўзгартиришлар киритиш

тўғрисида ариза олинган тақдирда аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи зарурат бўлганда жорий тўловлар тарзида суғурта товони миқдорини қайта ҳисоблаб чиқади ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта полисини (полисларини) қайта расмийлаштиради.

68. Суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар сони ва уни олиш муддатлари ўзгариши оқибатида аннуитетлар шартномаси бўйича жорий тўловлар тарзида суғурта товони миқдори кўпайтирилган тақдирда суғурта товонининг ошган миқдорини иш берувчи аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига қўшимча равишда тўлайди. Агар ушбу вақтда иш берувчи тугатилса, жорий тўловлар тарзида суғурталовчи суғурта товонини аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пули доирасида тегишли равишда қайта ҳисоблаб чиқади. Агар аннуитетлар шартномаси амал қиладиган даврда суғурта пули миқдорини қайта ҳисоблаб чиқиш учун асос бўлган вазиятлар унинг камайишига олиб келса суғурта мукофотининг ортиқча қисми иш берувчига қайтарилади.

69. Жорий тўловлар тарзида суғурта товони аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи томонидан ҳар ойнинг 5 кунидан кечикмай аннуитентнинг аннуитетлар шартномаси тузиш тўғрисидаги аризасида кўрсатилган ҳисоб рақамига ўтказилади.

70. Жорий тўловлар тарзида суғурта товонини ўтказиш бўйича харажатлар аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчининг ҳисобидан амалга оширилади.

## XI. Аннуитетлар шартномасини ўзгартириш ва муддатидан олдин тўхтатиш

71. Аннуитетлар шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи иш берувчига (аннуитентларга) киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда қайта расмийлаштирилган аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта полисини бериши шарт. Бунда аннуитетлар шартномаси бўйича илгари берилган суғурта полиси (полислари) ўз кучини йўқотади.

72. Аннуитетлар шартномаси қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин тўхтатилади:

а) суғурта мукофоти аннуитетлар шартномасида белгиланган муддатда ва миқдорда тўланмаганда;

б) аннуитент аннуитет шартномаси амал қилган даврда вафот этганда;

в) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

73. Аннуитетлар шартномаси муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда қоплов пули иш берувчига тўланади. Бунда иш берувчи кўрилган зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга кўрилган зарарни ундириш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Аннуитент вафот этган вақтда иш берувчи тугатилган тақдирда товон пули Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан

ташқари Пенсия жамғармасига тўланади. Бунда аннуитентнинг вафоти муносабати билан кўрилган зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга уни тўлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## XII. Суброгация

74. Иш берувчи мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчи томонидан ундирилган зарарлар бўйича жавобгар бўлган шахсга нисбатан эга бўлган талаб қилиш ҳуқуқи суғурта товонини тўлашни амалга оширган суғурталовчига у тўлаган сумма доирасида ўтади.

Иш берувчи суғурта товонини олишда суғурталовчига унинг суғурта ҳодисаси юзага келишида айбдор бўлган шахсга нисбатан қайта талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун барча зарур ҳужжатларни бериши шарт.

Агар иш берувчи суғурталовчи томонидан ундирилган зарар юзасидан жавобгар бўлган шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки ушбу ҳуқуқни амалга ошириш иш берувчининг айбига кўра мумкин бўлмай қолса суғурталовчи иш берувчидан суғурта товонининг тўланган суммасини қайтариб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

## XIII. Суғурталовчини ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчини алмаштириш

75. Суғурталовчини ва (ёки) аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчини алмаштиришга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

суғурталовчи ёки аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда;

суғурталовчига ёки аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига нисбатан банкротлик таомили қўлланганда;

суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли лицензиянинг амал қилиши белгиланган тартибда тугатилганда ёки у бекор қилинганда.

Суғурталовчини ва (ёки) аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчини алмаштириш махсус ваколатли давлат органининг розилиги билан амалга оширилади.

## XIV. Якуний қоидалар

76. Мажбурий суғурта қилиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган мажбуриятнинг иш берувчилар томонидан бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

77. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси ва (ёки) аннуитетлар шартномаси бўйича зиммага олинган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки

зарур даражада бажарилмаганлиги учун томонлар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

78. Томонлар форс-мажор ҳолатлари амал қилган даврда мажбурий суғурта қилиш шартномаси ва (ёки) аннуитетлар шартномаси бўйича ўз мажбуриятларининг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун жавоб бермайдилар.

Форс-мажор ҳолатларига қуйидагилар киради: табиий ҳодисалар (зилзила, кўчки, довул, қурғоқчилик ва суғурта шартномасида назарда тутилмаган санаб ўтилмаган бошқа табиий ҳодисалар) ёки ижтимоий-иқтисодий вазиятлар (ҳарбий ҳаракатлар, иш ташлашлар, қамаллар, давлат ташкилотларининг ҳамда давлатлар ўртасидаги чекловчи ва тақиқловчи чоралар, шунингдек Ҳукумат қарорлари ва бошқалар) оқибатида келиб чиққан фавқулодда, ушбу шароитларда бартараф этиб бўлмайдиган ва олдиндан кутилмаган вазиятлар, агар ушбу вазиятлар мажбурий суғурта қилиш шартномасини бажаришга бевосита таъсир кўрсатган бўлса.

Форс-мажор вазиятлари юзага келганда ва тўхтаганда томонлар ёзма шаклда бир-бирини хабардор қиладилар.

Форс-мажор вазиятлари юзага келган тақдирда мажбуриятларни бажариш муддатини томонлар форс-мажор вазиятлари мавжуд бўладиган вақтга мутаносиб тарзда кечиктирадилар.

79. Мажбурий суғурта қилиш шартномасидан ва (ёки) аннуитетлар шартномасидан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий суғурта қилиш қоидаларига
1-ИЛОВА

**Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш**
## ШАРТНОМАСИ
**__________-сон**

__________ шаҳри 20__ йил «___» ____________

Кейинги ўринларда «Иш берувчи» деб аталадиган ________________
______________________________________________________________
(иш берувчининг номи)
__________________________________________ асосида ҳаракат қиладиган
(ҳужжатнинг номи)
______________________________________________________________, бир
(Ф.И.О., лавозими)

томондан, ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 200___ йил __________да берилган _____-сон лицензия асосида ҳаракат қила-

диган, кейинги ўринларда «Суғурталовчи» деб аталадиган ____________

____________________________________________

(суғурталовчининг номи)

____________________________ асосида ҳаракат қиладиган

(ҳужжатнинг номи)

____________________________________________

(Ф.И.О., лавозими)

орқали, иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## 1. Шартноманинг предмети

1. Суғурталовчи ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил ____________даги ______-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига мувофиқ суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда иш берувчига, жабрланувчига ёхуд наф олувчига меҳнатда олган майиблиги, касб касаллиги ёки ходимнинг ушбу шартнома амал қиладиган даврда меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлаш мажбуриятини олади.

## 2. Суғурта пули ва суғурта мукофоти

2. Суғурта пули ушбу шартнома бўйича ____________________ сўмни,

(суммаси рақамлар ва ёзув билан)

шу жумладан дафн этиш харажатлари ____________________________сўмни

(суммаси рақамлар ва ёзув билан)

ташкил қилади.

3. Суғурта мукофоти ушбу шартнома бўйича __________________ сўмни

(суммаси рақамлар ва ёзув билан)

ташкил қилади.

4. Суғурта мукофоти ушбу шартнома тузилган санадан бошлаб беш иш куни мобайнида бир йўла тўланади.

## 3. Шартноманинг кучга кириши ва амал қилиш муддати

5. Ушбу шартнома томонлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради ва __________ мобайнида амал қилади.

Суғурталовчининг мажбуриятлари суғурта мукофоти суғурталовчининг ҳисоб рақамига тушган кундан кейинги кундаги 00 соат 00 дақиқадан бошлаб кучга киради ва мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисида кўрсатилган суғурта даврининг охирги санасидаги 24 соат 00 дақиқада тугайди.

6. Суғурта мукофоти иш берувчи томонидан суғурталовчининг ҳисоб рақамига накд пулни ўтказиш ёки киритиш йўли билан тўланади. Пул маб-

лағларининг суғурталовчининг ҳисоб рақамига тушган санаси мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.

## 4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Иш берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

суғурталовчидан мажбурий суғурта қилиш шартномасининг шартларини тушунтириб беришни талаб қилиш;

суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

йиллик иш ҳақи миқдори камайганда суғурта мукофотининг йиллик иш ҳақи миқдорининг камайишига ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг тугалланмаган даврига мутаносиб қисмини олиш.

Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Иш берувчи:

мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича ва айрим ҳолларда аннуитетлар шартномаси бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурта мукофотини тўлаши;

йиллик иш ҳақи миқдори ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурталовчига ёзма шаклда хабар қилиши;

иш берувчи томонидан амалга оширилаётган фаолият турларининг хавфлилик даражаси ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурталовчига ёзма шаклда билдириши ва зарур бўлган ҳолларда, қўшимча ҳисоблаб чиқарилган суғурта мукофотини тўлаши;

ходимларни мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан таништириши, шу жумладан, мажбурий суғурта шартномаси бўйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни жабрланувчи ёки наф олувчи ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат қилган санадан эътиборан икки иш куни ичида тақдим этиши;

суғурталовчини ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса юз берганлиги тўғрисида ўзига маълум бўлган вақтдан бошлаб уч иш куни мобайнида ёзма шаклда хабардор қилиши;

агар суғурта товони жабрланувчи ёки наф олувчи томонидан қилинган суиистеъмолликлар оқибатида асоссиз равишда тўланган бўлса, ортиқча тўланган суғурта товони ҳақида суғурталовчига хабар қилиши ва ортиқча тўланган маблағларни суғурталовчига қайтариш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриши шарт.

Иш берувчи зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

9. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текширишда иштирок этиш ва зарур бўлган ҳолларда тегишли экспертларни жалб этиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисага доир ахборотни текшириш;

суғурта мукофотини аниқлаш учун суғурта хавфини баҳолаш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар бериш.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Суғурталовчи:

мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан иш берувчини таништириши, шу жумладан унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган, иш берувчи ва (ёки) жабрланувчи ёхуд наф олувчи тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши;

суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, иш берувчи суғурта товонини тўлаш учун мурожаат этганидан кейин ўн беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда иш берувчига рад этиш сабабларини далиллар билан асослантирган ҳолда ёзма шаклда хабар қилиши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларининг 34-бандида назарда тутилган барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган санадан эътиборан ўн иш кунидан кечиктирмай қарор қабул қилиши ва суғурта товонини тўлаши;

ўзи алмаштирилган тақдирда бу ҳақда иш берувчига дарҳол ёзма шаклда хабар бериши шарт.

Суғурталовчи зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

### 5. Томонларнинг жавобгарлиги

11. Томонлар мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

### 6. Низоларни ҳал этиш тартиби

12. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

### 7. Якуний қоида

13. Ушбу шартномани ўзгартириш, бекор қилиш ва муддатидан олдин тўхтатиш тартиби суғурта бўйича эътирозларни кўриб чиқиш тартиби, ушбу

шартнома бўйича кўрилган зарар миқдорини аниқлаш ва суғурта товонини тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган, ушбу шартноманинг узвий қисми ҳисобланадиган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига мувофиқ белгиланади.

## 8. Томонларнинг реквизитлари:

| | |
|---|---|
| Суғурталовчи ____________ | Иш берувчи: ____________ |
| Манзили: ____________ | Манзили: ____________ |
| тел: ________ факс: ________ | тел: ________ факс: ________ |
| ҳ/р ____________ | ҳ/р ____________ |
| МФО ______ СТИР: ________ | МФО ______ СТИР: ________ |
| ____________ (Ф.И.О., лавозими) | ____________ (Ф.И.О., лавозими) |
| ________ (имзо) | ________ (имзо) |
| М.Ў. | М.Ў.. |

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларини олдим.

________ (имзо) ____________________ (Иш берувчи ваколатли шахсининг Ф.И.О.)

М.Ў.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий суғурта қилиш қоидаларига
2-ИЛОВА

Суғурталовчига ____________________
(суғурталовчининг номи)

## Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш тўғрисида АРИЗА

Иш берувчи ____________________
(Ф.И.О./номи)

____________________ асосида ҳаракат
(ҳужжатнинг номи)

қилувчи ____________________орқали
(ваколатли шахснинг Ф.И.О. ва лавозими)

Сиздан Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларида назарда тутилган шартларда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузишни сўрайди.

1. Иш берувчининг реквизитлари:

почта манзили: ______________________

телефон: __________ факс: __________ e-mail: __________

ариза берувчи-жисмоний шахснинг

20__ йил «___» __________да __________ берилган.

паспорти: серияси __________ номери __________

2. Иш берувчининг банк реквизитлари:

банкнинг номи: ______________________

ҳисоб рақами

хизмат кўрсатувчи банкнинг МФО __________

СТИР __________

3. ХХТУТ (Халқ хўжалиги тармоқларининг умумдавлат таснифи)га мувофиқ иш берувчи амалга ошириладиган фаолият тури (турлари) __________

______________________

(тармоқнинг коди ва номи)

4. Барча ходимларнинг йиллик иш ҳақи суммаси __________

______________________ сўм.

(рақамлар ва ёзув билан)

5. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг муддати ______________________.

6. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) ______________________;

б) ______________________;

7. Биз ушбу аризада келтирилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тўлиқлигини тасдиқлаймиз.

__________ ______________________

(имзо) (Иш берувчи ваколатли шахсининг Ф.И.О.)

М.Ў.

8. Ариза ______________________ томонидан қабул қилинган ва

(суғурталовчи ходимининг лавозими ва Ф.И.О.)

20__ йил «___» __________да дафтарда __________рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий суғурта қилиш қоидаларига
3-ИЛОВА

**Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта полиси бланкасининг**
**НАМУНАСИ**

*(Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта полиси бланкасининг олд томони)*

| |
|---|
| **Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби** |

**Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича**
**СУҒУРТА ПОЛИСИ**
**№ ___________**

Серияси _________ № __________

1. Суғурталовчининг тўлиқ номи ва реквизитлари ___________________
_________________________________________________________________

2. Иш берувчининг тўлиқ номи (Ф.И.О.) ва реквизитлари ___________
_________________________________________________________________

3. ХХТУТ (Халқ хўжалиги тармоқларининг умумдавлат таснифи)га мувофиқ иш берувчи амалга ошириладиган фаолият тури (турлари) ________
_______________________________________________________________
(тармоқнинг коди ва номи)

4. Суғурта пули ________________________________________________
______________________________________________________________ сўм,
(сумма рақамлар ва ёзув билан)

шу жумладан дафн қилиш харажатлари __________________________ сўм.
(сумма рақамлар ва ёзув билан)

5. Суғурта мукофоти ___________________________________________
_____________________ миқдорида 20__ йил «___» __________да тўланган.
(сумма рақамлар ва ёзув билан)

6. Суғурта даври: 20___ йил «____» ________________дан 20___ йил «____» ____________________гача.

7. Ходимнинг Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси амал қиладиган даврда меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлаш бўйича иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигининг юз бериши ушбу полис бўйича суғурта ҳодисаси ҳисобланади.

*(Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта полиси бланкасининг орқа томони)*

8. Суғурталовчининг, шунингдек унинг иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузишга, иш берувчиларнинг ва (ёки) жабрланувчиларнинг ёхуд наф олувчиларнинг суғурта товони тўғрисидаги талабларни кўриб чиқишга ҳамда суғурта тўловини амалга оширишга вакил қилинган алоҳида бўлинмалари, улар билан боғлиқ маблағлар ва уларнинг иш вақти тўғрисидаги маълумотлар: ________________

________________________________________________________________.

9. Алоҳида қайдлар ________________________________________________

________________________________________________________________

________________________________________________________________

Суғурталовчининг раҳбари ёки
ваколатли шахси

__________ ________________________
имзо) (Ф.И.О.)

М.Ў.

Берилган санаси: 20__ йил «___» ____________

---

Суғурта полиси бланкасининг тавсифи:
Суғурта полиси бланкалари А4 (210-297 мм) катталикда тайёрланади.
Суғурта полиси бланкаси фони оқ рангда бўлади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий суғурта қилиш қоидаларига
4-ИЛОВА

Суғурталовчига ____________________
(Суғурталовчининг тўлиқ номи)

____________________дан
(Аризачининг тўлиқ исми (номи)

Аризачи — жисмоний шахснинг паспорти: серияси: ______
номери: ______,
20__ йил «___» __________да ___ __________ берилган.
Аризачи — юридик шахснинг реквизитлари:
СТИР __________________
хизмат кўрсатувчи банкнинг МФО ________,
х/р ________________________
Мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси:
серияси __________ № ________
20__ йил «___» __________ да берилган.

**Суғурта товонини тўлаш тўғрисида**
**АРИЗА**

Ушбу билан иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича 20__йил «___» __________даги _____-сон шартномага кўра суғурта ҳодисаси деб эътироф этилиши мумкин бўлган ҳодиса юз берганлигини маълум қиламан.

Ҳодисанинг сабаблари ва ҳолатлари тўғрисида қуйидагиларни маълум қиламан:

Суғурта ҳодисаси деб эътироф этилиши мумкин бўлган ҳодисага дуч келган ходимлар:

1. ________________________________________.
(ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

2. ________________________________________.
(ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

Ҳодисанинг санаси ва вақти: ____________________
Ҳодисанинг жойи: ____________________
Ҳодиса тўғрисида ____________________га мурожаат қилинган
Ҳодисанинг ҳолатлари: ____________________

Ушбу ҳодиса бўйича ҳаққоний ва менга маълум бўлган барча маълумотларни хабар қилдим.

20__ йил «___» __________. __________ (имзо) ____________ (аризачининг Ф.И.О)

М.Ў.

Ариза ____________________________________________томонидан
(суғурталовчи масъул ходимининг лавозими ва фамилияси)

қабул қилинган ва 20__ йил «____» __________да _________ рақами билан дафтарда рўйхатдан ўтказилган.

Ушбу аризага илова қилинган ҳужжатлар рўйхати

| Т/р | Ҳужжатнинг номи | Саҳифалар сони | Ҳужжатнинг санаси ва тартиб рақами | Илова қилинмоқда (ҳа/йўқ) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Иш берувчининг етказилган зарарни тўлаш тўғрисидаги буйруғи нусхаси. | | | |
| 2. | Суғурта ҳодисаси юз бергунгача ходимнинг ўртача ойлик ёки йиллик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома. | | | |
| 3. | Меҳнат шартномаси (контракт)нинг нусхаси. | | | |
| 4. | Касбга оид касаллик мавжуд бўлганда — ходимнинг касбга оид касаллиги тўғрисида тиббий хулоса. | | | |
| 5. | Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани махсус текшириш далолатномаси. | | | |
| 6. | Врачлик-меҳнат эксперт комиссияси-нинг хулосаси. | | | |
| 7. | Суд қарори. | | | |
| 8. | Ходимнинг вафот этганлиги тўғриси-даги гувоҳноманинг нотариал тасдиқ-ланган нусхаси ва наф олувчининг етказилган зарарни ундиришга ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар. | | | |

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий суғурта қилиш қоидаларига
5-ИЛОВА

______________________________________________
(юридик шахснинг номи)

**БУЙРУҚ**
**№__________**

____________ шаҳри 20__ йил «___» ____________

***Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса туфайли кўрилган зарарни тўлаш тўғрисида***

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса туфайли ______________________________________________________ га зарар етказилган.
(жабрланувчининг Ф.И.О.)

Ушбу бахтсиз ҳодиса 20___ йил «___» ______________да Н-1 шаклдаги Далолатнома билан расмийлаштирилган. ТМЭКнинг 20__ йил «_____» ______________даги ___-сон хулосасига кўра ______________________
(жабрланувчининг Ф.И.О.)

«___» гуруҳ ногирони деб эътироф этилган/этилмаган, ______________
(кераклиси кўрсатилади)

муддатга касбга оид меҳнат қобилиятини ____% йўқотган.

Меҳнатда майиб бўлгунига қадар _________________________________нинг
(жабрланувчининг Ф.И.О.)

12 ойдаги ўртача ойлик иш ҳақи ____________________________________________ ____________________________ сўмни ташкил қилган.
(сумма рақамлар ва ёзув билан)

________________________________________га асосланиб

**БУЮРАМАН**

1. ________________________________________________________________га
(жабрланувчининг Ф.И.О.)

____________________________ сўм миқдорида бир йўла нафақа тўлансин.
(сумма рақамлар ва ёзув билан)

2. ________________________________га 20__ йил «___» ___________дан
(жабрланувчининг Ф.И.О.)

20__ йил «___» ______________гача бўлган даврда ҳар ойда ______________ ______________________________ сўм миқдорида зарар товони тўлансин.
(сумма рақамлар ва ёзув билан)

3. Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори оширилган тақдирда етказилган зарарни тўлаш суммаси оширилган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорига мутаносиб равишда қайта ҳисоблаб чиқилсин.

Юридик шахс раҳбари ________ ____________________
(имзо) (Ф.И.О.)

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий суғурта қилиш қоидаларига
5-1-ИЛОВА

_______________________________________________________
(юридик шахснинг номи)

**БУЙРУҚ №_____**

____________ шаҳри 20__ йил «___» _____________

***Боқувчининг вафоти муносабати билан етказилган зарарни тўлаш тўғрисида***

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса муносабати билан _______________
_____________________________________________га зарар етказилган.
(жабрланувчининг Ф.И.О.)

Ушбу бахтсиз ҳодиса 20__ йил «___» _________даги Н-1 шаклдаги Далолатнома билан расмийлаштирилган. ______________________ маҳалла қўмитасининг 20__ йил «___» _________даги ___-сон маълумотномаси асосида _____________________________ вафот этган кунда унинг қарамоғида
(вафот этган ходимнинг Ф.И.О.)

______киши бўлган:

1. ___________ ______________________ 20__ йил «___» ____________,
(қариндошлиги) (Ф.И.О.) (туғилган санаси)

мактаб (лицей) ўқувчиси ёки ишлайди (ишламайди) ёхуд шу кабилар;
(ҳолатга боғлиқ ҳолда кўрсатилади)

2. ...
3. ...

Боқувчисини йўқотганлик бўйича етказилган зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлганлар:

1. ___________ ______________________ 20__ йил «___» ____________,
(қариндошлиги) (Ф.И.О.) (туғилган санаси)

мактаб (лицей) ўқувчиси ёки ишлайди (ишламайди) ёхуд шу кабилар;
(ҳолатга боғлиқ ҳолда кўрсатилади)

2. ...
3. ...

_______________нинг вафот этган кунида охирги 12 ой
(вафот этган ходимнинг Ф.И.О.)

учун ўртача ойлик иш ҳақи _______________ни ташкил қилди.
(суммаси рақамлар ва ёзувлар билан)

_______________га асосланиб

## БУЮРАМАН

1. _______________нинг етказилган зарар тўловини
(вафот этган ходимнинг Ф.И.О.)

олиш ҳуқуқига эга бўлган қарамоғидаги шахсларга _______________ сўм
(суммаси рақамлар ва ёзув билан)

бир йўла нафақа тўлансин.

2. _______________ нинг қарамоғидагиларга боқувчисини
(вафот этган ходимнинг Ф.И.О.)

йўқотганлиги учун _______________ миқдоридаги
(суммаси рақамлар ва ёзув билан)

етказилган зарар тўлови ҳар ойда қуйидаги даврлар учун тўлансин:

а) _______________га 20__ йил «___» _______________дан
(қарамоғдаги шахснинг Ф.И.О.)

20__ йил «___» _________гача (16 ёшга етгунгача), кундузги ўқув юртида ўқишни давом эттирган тақдирда 20__ йил «___» _________гача (18 ёшга тўлгунгача);

б) _______________га 20__ йил «___» _______________дан
(қарамоғдаги шахснинг Ф.И.О.)

200__ йил «___» _________гача вафот этган ходимнинг болалари, невара-лари, сингиллари уч ёшга тўлгунгача (уларни парвариш қилаётган шахслар учун);

в) ...

3. Балоғатга етмаган қарамоғдаги шахслар учун 1 ва 2-бандлар бўйича бир йўла нафақа ва етказилган зарар тўлови _______________
(наф олувчининг Ф.И.О.)

томонидан амалга оширилсин.

4. Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори оширилган тақдирда, етказилган зарар тўлови суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг оширилган суммасига мутаносиб равишда қайта ҳисоблаб чиқилсин.

Ушбу суммани қайта ҳисоблаб чиқиш етказилган зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар сони ўзгарган тақдирда ҳам амалга оширилсин.

Юридик шахс раҳбари _________ _______________
(имзо) (Ф.И.О.)

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий суғурта қилиш қоидаларига
6-ИЛОВА

**Аннуитетлар шартномаси №**

__________шаҳри 20__ йил «___» ____________

Кейинги ўринларда «Иш берувчи» деб аталадиган ____________________
____________________________________________________________
(иш берувчининг номи)

____________________________________________ асосида ҳаракат қиладиган
(ҳужжатнинг номи)

____________________________________________________, орқали, бир
(Ф.И.О., лавозими)

томондан, ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 200___ йил «___» __________да берилган _____-сон лицензия асосида ҳаракат қиладиган, кейинги ўринларда «Суғурталовчи» деб аталадиган __________
____________________________________________________________
(суғурталовчининг номи)

____________________________________________ асосида ҳаракат қиладиган
(ҳужжатнинг номи)

____________________________________________________________
(Ф.И.О., лавозими)

орқали, иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## 1. Шартноманинг предмети

1. Суғурталовчи ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига мувофиқ, ушбу шартнома бўйича суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, Иш берувчи суғурта мукофотини ушбу Шартномада кўрсатилган миқдорда ва муддатда тўлаганда, жорий тўловлар тарзидаги суғурта тўловини тўлаш мажбуриятини олади.

## 2. Суғурта пули, товон суммаси ва суғурта мукофоти

2. Ушбу Шартнома бўйича умумий суғурта пули Шартномага иловага мувофиқ ________________________________ сўмни ташкил қилади.
(суммаси рақамлар ва ёзув билан)

3. Қоплов суммаси суғурта мукофотларидан жорий тўловлар тарзида тўланган суғурта тўлови, ва ишни юритиш учун исботланадиган харажатлар суммасини чегирган ҳолда тенг бўлади.

4. Суғурта мукофоти ушбу Шартнома бўйича, иловага мувофиқ ________ ________________________________ сўмни ташкил қилади.
(суммаси рақамлар ва ёзув билан)

5. Суғурта мукофоти ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб беш иш куни мобайнида бир йўла тўланади.

## 3. Шартноманинг кучга кириши ва амал қилиш муддати

6. Ушбу Шартнома томонлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчининг жорий тўловни амалга ошириш мажбуриятлари 20___ йил «____» ______________ дан 20___ йил «___» _________ гача киради.

## 4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Иш берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан қабул қилган мажбуриятларининг бажарилишини талаб қилиш;

аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда товон суммасини талаб қилиш.

Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Иш берувчи:

қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурта мукофотини тўлаши;

суғурта полисини аннуитентга бериши ва уни аннуитетлар шартномаси бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятлар билан таништириши;

аннуитентни аннуитет шартномаси шартларидаги ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилиши;

аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчини аннуитетлар шартномаси тузиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиш.

Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

9. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

иш берувчидан зиммасига қабул қилган мажбуриятларининг бажарилишини талаб қилиш;

аннуитентнинг жорий тўлов тўловлар тарзида суғурта товонини олиш ҳуқуқига эгалигини текшириш;

агар аннуитент жорий тўловларни олиш ҳуқуқини йўқотган бўлса, жорий тўловлар тарзидаги суғурта товонини тўлашни рад этиш;

Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қуйидагиларга мажбур:

иш берувчига суғурта полисини бериш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ аннуитентга жорий тўловлар тарзидаги суғурта товонини тўлаш.

Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

## 5. Томонларнинг жавобгарлиги

11. Томонлар аннуитетлар шартномаси бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

## 6. Низоларни ҳал этиш тартиби

12. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

## 7. Якуний қоида

13. Жорий тўловлар тарзида суғурта товонини тўлаш, ушбу шартномани бекор қилиш ва муддатидан олдин тўхтатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил ___________даги _____-сон қарори билан тасдиқланган, ушбу шартноманинг узвий қисми ҳисобланадиган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига мувофиқ белгиланади.

## 8. Томонларнинг реквизитлари:

| | |
|---|---|
| Суғурталовчи ____________________ | Иш берувчи: ______________________ |
| Манзили: _________________________ | Манзили: _________________________ |
| тел: _________ факс: _____________ | тел: _________ факс: ______________ |
| ҳ/р ______________________________ | ҳ/р ______________________________ |
| МФО _______ СТИР: ____________ | МФО _______ СТИР: ____________ |
| ________________________________ (Ф.И.О., лавозими) | ________________________________ (Ф.И.О., лавозими) |
| ______________ (имзо) | ______________ (имзо) |
| М.Ў. | М.Ў.. |

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил ___________даги _____-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларини олдим.

| | |
|---|---|
| ___________ (имзо) | ________________________________ (иш берувчи ваколатли шахсининг Ф.И.О) |

М.Ў.

Аннуитетлар шартномасига
ИЛОВА

## АННУИТЕНТЛАР РЎЙХАТИ

| Т/р | Ф.И.О. | Жинси | Туғилган санаси | Паспорт маълу-мотлари | Манзили, тел. | Суғурта пули (минг сўм) | Жорий тўлов тарзидаги суғурта товони миқдори (минг сўм) | Жорий тўлов тарзида суғурта тўлови даври | | Суғурта мукофоти (минг сўм) | Жорий тўлов тарзида суғурта тўлови муддати | Жорий тўлов тарзида суғурта тўловини амалга ошириш учун банк номи ва ҳисоб рақами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | бошлани-ши | тугаши | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| 1. | | | | | | | | | | | | |
| 2. | | | | | | | | | | | | |
| 3... | | | | | | | | | | | | |

**ТОМОНЛАР:**

**Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи:**

**Иш берувчи:**

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига
7-ИЛОВА

Суғурталовчига ____________________
(суғурталовчининг номи)

**Аннуитетлар шартномасини тузиш тўғрисида**
**АРИЗА**

Иш берувчи ____________________
(Ф.И.О./номи)

____________________ асосида ҳаракат
(ҳужжатнинг номи)

қилувчи ____________________ орқали
(ваколатли шахснинг Ф.И.О. ва лавозими)

Сиздан Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларида назарда тутилган шартларда аннуитетлар шартномасини тузишни сўрайди.

1. Иш берувчининг реквизитлари:
почта манзили: ____________________
телефони: ________ факси: ________ e-mail: ________
ариза берувчи — жисмоний шахс паспорти:
серияси ________ номери ________,
20__ йил «___» ________да ________берилган.

2. Иш берувчининг банк реквизитлари:
банкнинг номи: ____________________
ҳисоб рақами ____________________
хизмат кўрсатувчи банкнинг МФО ________ СТИР ________

3. Аннуитент (жабрланган ходим/Наф олувчи) тўғрисидаги маълумотлар Аннуитетлар шартномасини тузиш тўғрисидаги аризага иловада келтирилган.

4. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:
а) ____________________;
б) ____________________;

7. Биз ушбу Аризада ва иловада келтирилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаймиз.

________ ____________________
(имзо) (иш берувчи ваколатли шахсининг Ф.И.О)

20__ йил «___» ________.
М.Ў.

5. Ариза ____________________ томонидан қабул
(суғурталовчи ходимининг лавозими ва Ф.И.О.)

қилинган ва 20__ йил «___» ________да ________ рақами билан дафтарда рўйхатдан ўтказилган.

Аннуитетлар шартномасини тузиш
тўғрисидаги аризага
ИЛОВА

## АННУИТЕНТЛАР РЎЙХАТИ

| Т/р | Ф.И.О. | Жинси | Туғилган санаси | Паспорт маълумотлари | Манзили, тел. | Суғурта пули (минг сўм) | Жорий тўлов тарзида суғурта товони миқдори | Жорий тўлов тарзида суғурта тўлови даври | | Суғурта мукофоти (минг сўм) | Жорий тўлов тарзида суғурта тўлови муддати | Жорий тўлов тарзида суғурта тўловини амалга ошириш учун банк номи ва ҳисоб рақами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | бошланиши | тугаши | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| 1. | | | | | | | | | | | | |
| 2. | | | | | | | | | | | | |
| 3... | | | | | | | | | | | | |

20___ йил «____» _______________

_______________
(Иш берувчининг имзоси)

М.Ў.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий суғурта қилиш қоидаларига
8-ИЛОВА

**Аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта полиси бланкасининг**
**НАМУНАСИ**

| |
|---|
| **Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби** |

**Аннуитетлар шартномаси бўйича**
**СУҒУРТА ПОЛИСИ**
**№ ___________**

Серияси ___________ № ___________

| | |
|---|---|
| 1. Суғурталовчининг тўлиқ номи ва реквизитлари: | ______________________ |
| 2. Иш берувчининг тўлиқ номи ва реквизитлари: | ______________________ |
| 3. Аннуитент: | ______________________ |
| Туғилган санаси: | ______________________ |
| Паспорти: | ______________________ |
| Манзили: | ______________________ |
| 4. Суғурта пули: | ______________________ |
| 5. Суғурта мукофоти: | ______________________ |
| 6. Жорий тўловлар тарзида суғурта тўлови миқдори: | ______________________ |
| 7. Жорий тўловлар тарзида суғурта тўловини тўлаш муддати: | Ҳар ойда, ойнинг 5-кунигача |
| 8. Жорий тўловлар тарзида суғурта тўловини тўлаш даври: | 20___йил «____» ___________дан<br>20___ йил «____» ___________гача. |

Аннуитет бўйича суғурталовчининг раҳбари ёки ваколатли шахси

__________ (имзо) ______________________ (Ф.И.О.)

М.Ў.

Берилган вақти: 20__ йил «___» ___________

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий суғурта қилиш қоидаларига
9-ИЛОВА

# Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифлари, уларнинг чекланган даражалари, тузилмаси ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти суммасини аниқлашда уларнинг суғурталовчи томонидан қўлланилиши ТАРТИБИ

## I. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифлари

1. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифининг йиллик базавий ставкаси миқдори Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта суммасининг йиллик ($Т_Б$) 0,1 фоизи миқдорида белгиланади ҳамда барча иш берувчилар ва суғурталовчилар учун ягона ҳисобланади.

2. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифлари коэффициентлари иш берувчи томонидан амалга ошириладиган фаолият турларининг хавфлилик даражасига қараб белгиланади.

3. Иш берувчи фаолияти турларининг хавфлилиги даражаси иш берувчининг фаолияти турлари хавфлилиги даражалари таснифига мувофиқ белгиланади.

## Иш берувчининг фаолияти турлари хавфлилиги даражалари таснифи ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифлари коэффициентлари

| Т/р | Касбий таваккалчилик класслари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар) | Суғурта тарифи коэффициенти $К_{СТ}$ |
|---|---|---|
| | **01 класс** | |
| 1. | Бинолар ва иншоотлар қуриш ва уларни мукаммал таъмирлаш хизматлари кўрсатиш бўйича лойиҳа, архитектура-лойиҳа, лойиҳа-қидирув ва қидирув ташкилотлари. Лойиҳа-смета архитектура-режалаштириш идоралари, устахоналар, бюролар, бўлимлар ва бошқалар. | 0,571 |
| 2. | Республика, вилоят, туман, ва шаҳар улгуржи савдо базалари, туманлараро базалар, тақсимлаш совутгичлари. | |
| 3. | Халқ истеъмол товарлари олди-сотдиси ва маданий-маиший мақсаддаги буюмларни ижарага (прокатга) топшириш бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган товар биржалари, брокерлик, маклерлик, дилерлик идоралари, агентликлар, савдо уйлари, тижорат марказлари ва бошқалар. | |

| Т/р | Касбий таваккалчилик класслари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар) | Суғурта тарифи коэффициенти $К_{СТ}$ |
|---|---|---|
| 4. | Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ташқи савдо компаниялари. | |
| 5. | Ташқи иқтисодий фаолиятда брокерлик хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатадиган нодавлат ташқи савдо ташкилотлари (экспорт-импорт битимларини, шу жумладан бартер битимларини амалга оширадиган ташкилотлар). | |
| 6. | Асбоб-ускуналар ва машиналар олди-сотдиси ва уларни ижарага (прокатга) топшириш бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган товар ва товар-хом ашё биржалари, брокерлик, маклерлик, дилерлик идоралари ва агентликлар, савдо уйлари, тижорат марказлари ва бошқалар. | |
| 7. | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари олди-сотдисида воситачилик хизматлари кўрсатадиган товар ва товар-хом ашё биржалари, брокерлик, маклерлик, дилерлик идоралари ва агентликлар. | |
| 8. | Интернет ва компьютер тармоғи бўйича хизматлар кўрсатиш, машина ҳисоблаш станциялари, марказлаштирилган бухгалтериялар, компьютер техникаси базасида бошқа корхоналар ва ташкилотларга ахборот-ҳисоблаш хизматлари кўрсатадиган ҳисоблаш марказлари ва бошқалар. | |
| 9. | Ишлаб чиқариш-техника ва ноишлаб чиқариш мақсадидаги кўчмас мулкни сотадиган ва фойдаланишга (ижарага) берадиган ташкилотлар (мулкдорлар). | |
| 10. | Ишлаб чиқариш-техника ва ноишлаб чиқариш мақсадидаги кўчмас мулкнинг олди-сотдиси ва уларни фойдаланишга (ижарага) топширишда воситачилик хизматлари кўрсатадиган кўчмас мулк биржалари, брокерлик идоралари ва агентликлар. | |
| 11. | Товарлар, қимматли қоғозлар, валютани сотадиган ва аниқ ифодаланган ихтисослашувисиз уларни ёллашга, ижарага (прокатга) топширадиган универсал (товар-фонд ва бошқалар) биржалар, брокерлик идоралари ва агентликлар. | |
| 12. | Транспорт, уй-жой-коммунал хўжалик, маиший хизмат кўрсатиш, таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш, фан соҳасида воситачилик хизматлари кўрсатадиган ташкилотлар. | |
| 13. | Реклама (мижозларнинг рекламаларини яратиш ва уларни оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидениеда жойлаштириш, реклама материалларини тарқатиш ва ёпиштириш ва ҳоказолар), кўргазмалар ташкил этиш соҳасида хизматлар кўрсатадиган ташкилотлар ва ҳоказолар. | |
| 14. | Аудиторлик ташкилотлари (тафтиш, бухгалтерия ҳужжатлари ва бошқа ҳисобга олиш-ҳисобот ҳужжатларини тузиш ва уларни текшириш бўйича хизматлар). | |
| 15. | Бошқариш, молия ва тижорат фаолияти (харид, сотиш), қимматли қоғозларни жойлаштириш, аҳолига агентлик, воситачилик хизматлари кўрсатиш, мол-мулкни баҳолаш масалалари бўйича талабни, бозор конъюнктурасини ва ҳоказоларни ўрганиш ва маслаҳат бериш билан шуғулланадиган ташкилотлар ва бошқалар. | |
| 16. | Участка, туман, марказий туман, шаҳар, марказий шаҳар, вилоят, республика касалхоналари. Стационарга эга бўлган тиббиёт-санитария қисмлари, даволаш-профилактика муассасалари ва махсус типдаги даволаш-профилактика муассасалари. | |
| 17. | Тиббиёт-жисмоний тарбия, тери-таносил онкологик, силга қарши, психоневрологик, трахоматоз, буқоққа қарши, кардиология, наркология диспансерлари. | |

| Т/р | Касбий таваккалчилик класслари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар) | Суғурта тарифи коэффициенти $К_{СТ}$ |
|---|---|---|
| 18. | Шаҳар, марказий туман поликлиникалари (стоматология ва физиотерапевтик поликлиникалар ҳам шу жумлага киради). Стационарга эга бўлмаган тиббий-санитария қисмлари, қишлоқ-врачлик поликлиникалари ва амбулаториялар, мустақил соғлиқни сақлаш пунктлари ва хоналар. | |
| 19. | Жисмоний тарбия-соғломлаштириш комплекслари, ўқув-машқ марказлари ва базалар, стадионлар, спорт саройлари, ихтисослаштирилган ва комплекс спорт заллари, манежлар, велотреклар, сунъий сув бассейнлари ва муз учиш майдонлари, отиш майдони, тирлар (стендлар) ва бошқалар. | |
| 20. | Тиббиёт-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК), кексалар ва ногиронлар учун интернат уйлар. | |
| 21. | Тамомлагандан кейин олий маълумот, шу жумладан олий ўқув юртидан кейинги маълумот берадиган академиялар (ўқув), университетлар, институтлар (бакалавриат, магистратура), консерваториялар, бошқа ўқув юртларнинг олий мактаблари (сиртқи олий мактаблар ҳам шу жумлага киради). | |
| 22. | Академик лицейлар ва касб-ҳунар колледжлари, тиббиёт, педагогика, мусиқа, театр, хореография мактаблари ва бошқа ўқув юртлари (сиртқилар ҳам шу жумлага киради). | |
| 23. | Касб-ҳунар-техника ва техник автомобиль мактаблари, бизнес-мактаблар. Усталар тайёрлаш мактаблари, усталар-ишбошиларнинг қурилиш мактаблари, денгизда сузиш мактаблари, ғоввослар мактаблари, мелиорация кадрлари, от заводлари мактаблари ва катта ёшдагилар учун бошқа мактаблар. | |
| 24. | Ақлий ва жисмоний ривожланишида нуқсонлар бўлган болалар учун умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар, санаторий-мактаблар, мусиқа, бадиий ва хореография мактаблари, санъат мактаблари, мактаб-интернатлар, кечки (сменали) умумтаълим мактаблари. | |
| 25. | Болалар боғчалари, яслилар ва бошқа мактабгача муассасалар. Етим болалар ва ота-оналарининг васийлигисиз қолган болалар учун болалар уйлари, меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлар. | |
| 26. | Кутубхоналар, кутубхона-қироатхоналар, мустақил кўчма кутубхона фондлари, китоб палаталари (шу жумладан илмий иш олиб борадиган кутубхоналар ва китоб палаталари). | |
| 27. | Республика, вилоят, туман ва хусусий фильмотекалари ва фонотекалари. | |
| 28. | Музейлар (шу жумладан илмий иш олиб борадиган музейлар): архитектура, маиший, геология, табиий, илмий, ўлкашунослик, тарихий-инқилобий, тарихий, санъатшунослик (бадиий, тасвирий санъат, адабий, картина, галерея), хотира, тармоқ музейлари ва бошқа музейлар. Саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, бадиий ва бошқа кўргазмалар. | |
| 29. | Маданият саройлари ва уйлари, доимий ва кўчма клублар (автоклублар, клуб-вагонлар, сузувчи маданий базалар ва бошқалар). Меъмор, актёр, врач, журналист, кино, адабиётчи, бастакор, олим, турист, халқ ижодиёти уйлари ва бошқалар. | |
| 30. | Мактаб ўқувчилари саройлари ва уйлари, болаларни бадиий тарбиялаш уйлари, ёш техниклар ва ёш табиатшунослар станциялари ҳамда бошқа болалар мактабдан ташқари муассасалари. Болалар мусиқа, бадиий ва хореография мактаблари. | |

| Т/р | Касбий таваккалчилик класслари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар) | Суғурта тарифи коэффициенти $К_{СТ}$ |
|---|---|---|
| 31. | Маданият ва дам олиш, истироҳат боғлари, аттракционларнинг кўчма шаҳарчалари. | |
| 32. | Қўриқхоналар, ботаника, зоология истироҳат боғлари ва боғлари, доимий ва кўчма ҳайвонотхоналар. | |
| 33. | Телевидение ва радио эшиттириш таҳририятлари, телевидение ва радио эшиттириш бўйича вилоят қўмиталари (бадиий ва мусиқали жамоаларсиз), радио эшиттириш вилоят ва шаҳар таҳририятлари, радио-теле марказлар, телевизион техник марказлар ва бошқалар. | |
| 34. | Опера ва балет, мусиқали комедия (оперетта) театрлари (доимий ва кўчма), мусиқали-драматик, драматик, болалар, ёш томошабинлар, қўғирчоқ ва халқ театрлари. | |
| 35. | Кинотеатрлар ва бошқа доимий кино қурилмалар, кўчма кино. | |
| 36. | Филармониялар, концерт бирлашмалари, оркестрлар, эстрада жамоалари, хорлар, капеллалар. Рақс, ашула ансамбллари; мюзик-холлар, халқ мусиқа жамоалари. Радиоэшиттириш ва телевидениенинг бадиий ва мусиқа жамоалари. | |
| 37. | Тасвирий санъатнинг доимий студиялари ва устахоналари, халқ тасвирий санъат студиялари. Бадиий-безак ташкилотлари. | |
| 38. | Киностудиялар, овоз ёзиш, кинофильмлар тайёрлаш (шу жумладан ҳаваскорлик кинофильмлари) студиялари, овоз ёзиш, овоз ёзиш хизматлари, кинофильмлар прокати. | |
| 39. | Томоша кўрсатадиган корхоналарни бошқариш ташкилотлари, театр кассалари бирлашмаси, кинотеатрлар дирекциялари бирлашмалари. | |
| 40. | Фанлар академиялари (шу жумладан тармоқ академиялари), уларнинг филиаллари ва бўлинмалари, илмий марказлар, илмий-тадқиқот институтлари (шу жумладан илмий ва техник ахборот институтлари ва олий ўқув юртлари тизимидаги илмий-тадқиқот институтлари) уларнинг филиаллари ва бўлинмалари, обсерваториялар ва бошқа илмий муассасалар. Вазирликлар ва идораларнинг мустақил илмий-тадқиқот лабораториялари. | |
| 41. | Тасдиқланган режа бўйича лойиҳа-конструкторлик ва илмий-тадқиқот ишларини бажарадиган мустақил конструкторлик ташкилотлари. | |
| 42. | Илмий ва тажриба станциялари, шу жумладан комплекс ва тармоқ, тажриба-зонал, селекция, тажриба қишлоқ хўжалиги, ветеринария, тажриба-мелиоратив, гидротехник станциялар ва бошқалар. | |
| 43. | Давлат ва нодавлат архивлари, шу жумладан илмий иш олиб борадиган архивлар. | |
| 44. | Четга саноат маҳсулоти ишлаб чиқармайдиган тажриба заводлари. Венчур (таваккалчилик) ва бошқа жорий этиш корхоналари ва ташкилотлари. | |
| 45. | Тажриба-техника лабораториялари, қурилиш материалларини синаш бўйича мустақил лабораториялар, норматив-тадқиқот станциялари, машина синаш станциялари, техник ахборот марказий бюролари, илмий ташкилотларнинг ҳисоблаш марказлари ва бошқалар. | |
| 46. | Марказий банк, тижорат банклари ва уларнинг муассасалари (бўлимлар, филиаллар, мини банклар, жамғарма кассалари ва бошқалар). | |

| Т/р | Касбий таваккалчилик классълари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар) | Суғурта тарифи коэффициенти $К_{СТ}$ |
|---|---|---|
| 47. | Молия корпорациялари, молиявий фондлар, инвестиция ташкилотлари (шу жумладан инновация ва молиявий лизингни амалга оширадиган молия корпорациялари). Лизинг компаниялари. Хайрия, ҳомийлик жамғармалари. | |
| 48. | Суғурта ташкилотлари, суғурта хизматлари бозорининг профессионал қатнашчилари (суғурта агентлари, суғурта брокерлари, қайта суғурталаш компаниялари ва бошқалар). | |
| 49. | Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси. | |
| 50. | Фонд, валюта, валюта-фонд биржалари, қимматли қоғозлар ва валюта билан операцияларни амалга оширадиган брокерлик, маклерлик, дилерлик ташкилотлари. | |
| 51. | Республика фуқароларига республика ҳудудидан ташқарида бўш иш жойлари тақдим этадиган ва меҳнатчиларни иш жойигача жўнатишга кўмаклашадиган ихтисослаштирилган агентликлар. | |
| 52. | Республика фуқароларига республика ҳудудида бўш иш жойларини тақдим этадиган ихтисослаштирилган агентликлар. Вақтинчалик ишни бажариш учун бошқаларни пудрат асосида ёлланма иш кучи билан таъминлаш. Ходимларни излаш, номзодларни танлаш ва исталган вилоятда иш жойлари бўйича тақсимлаш. | |
| 53. | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. | |
| 54. | Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳри хўжалик судлари, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар судлари ва Тошкент шаҳар суди, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноий ишлар бўйича туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар ва бошқалар. | |
| 55. | Давлат органлари ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари. | |
| 56. | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва бошқалар (шу жумладан ахборот ва статистика бошқармалари). | |
| 57. | Туман ҳокимликлари (шаҳар туманлари ҳокимликлари ҳам шу жумлага киради). Шаҳар ҳокимликлари ва бошқалар. | |
| 58. | Посёлка, қишлоқ, овул, фуқаролар йиғинлари, шаҳар маҳаллалари, маҳалла қўмиталари ва бошқалар. | |
| 59. | Адвокатлик тузилмалари. | |
| 60. | Нотариал идоралар. | |
| 61. | Жамоат тартибини сақлаш, хавфсизлик ва мудофаа органлари. | |
| 62. | Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, ёшларнинг сиёсий ташкилотлари, юртдошлик, хорижий мамлакатлар халқлари билан дўстлик жамиятлари. | |
| 63. | Тижорат фаолияти соҳалари бўйича жамоат бирлашмалари (тадбиркорлар, кооператорлар бирлашмалари, савдо-саноат палаталари ва бошқалар). | |
| 64. | Касаба уюшмалари, касаба уюшмалари федерациялари, конфедерациялари. | |
| 65. | Ижодий, илмий-техник ва маданий-маърифий жамоат бирлашмалари (ёзувчилар, журналистлар, рассомлар, архитекторлар, | |

| Т/р | Касбий таваккалчилик класслари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар) | Суғурта тарифи коэффициенти $К_{СТ}$ |
|---|---|---|
| | артистлар уюшмалари ҳамда бошқа илмий, илмий-техник жамиятлар, ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятлари ва бошқалар). | |
| 66. | Спорт, мудофаа-спорт, овчилар, автоҳаваскорлар, соғломлаштириш жамоат бирлашмалари ва бошқа бирлашмалар. | |
| 67. | Хотин-қизлар, талабалар, болалар, фахрийлар бирлашмалари, ногиронлар жамияти, Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамияти, сувда қутқариш жамиятлари, жамоат жамғармалари ва бошқалар. | |
| 68. | Диний ташкилотлар ва уларнинг бирлашмалари. | |
| | **02 класс** | |
| 69. | Стандартлаштириш ва метрология марказлари, стандартлар ва ўлчов техникаси устидан давлат назорати лабораториялари, стандартлаштириш ва метрология идоравий лабораториялари. | 0,857 |
| 70. | Импорт-экспорт юкларнинг юк божхона декларацияларини расмийлаштириш бўйича хизматлар кўрсатадиган корхоналар ва ташкилотлар. | |
| 71. | Почтамтлар, бирлашган почта-телеграф алоқа корхоналари, алоқа узеллари, шу жумладан почтани ташиш ишлаб чиқариш-техник, тармоқ ва фойдаланиш-техник бошқармалари ва бўлимлари, таржималарни назорат қилиш бюролари. | |
| 72. | Курьерлик махсус алоқани ва фельд алоқани таъминлайдиган корхоналар. | |
| 73. | Телеграф, телефон, телевизион алоқа, радио алоқа, овозли симли ва электр алоқасининг бошқа турлари корхоналари: телеграфлар, халқаро телефон станциялари, шаҳар ва қишлоқ телефон станциялари (тармоқлар, узеллар) ва бошқалар. | |
| 74. | Дорихоналар, дори дўконлари, киоскалар, назорат-таҳлилий лабораториялар, дорихона омборлари (шу жумладан ветеринария дорихона омборлари). | |
| 75. | Сотиш ёки устун даражада сотишгина функциялари ҳисобланадиган базалар ва омборлар, дўкон-салонлар, идоралар ва бўлимлар, энергияни сотиш, газни сотиш. | |
| 76. | Газеталар, журналлар, луғатлар ва бошқа нашрлар таҳририятлари. Газета, журнал, китоб, почта, нота, бланка нашриётлари, суратлар нашриётлари. | |
| 77. | Коммунал хўжалик, ободонлаштириш объектлари, меҳмонхона ва сув-канализация хўжаликлари, санитария жиҳатидан тозалаш, дов-дарахтлар, теплофикация, йўл ва кўприк хўжалиги ташкилотлари ва бошқалар. | |
| 78. | Ҳаммомлар, душ павильонлари, жамоат ҳожатхоналари, сартарошхоналар. Квартираларни ва бошқа биноларни йиғиштириш, пол артиш, деразаларни артиш, маълумотномалар бериш, топшириқларни, таржималарни бажариш, матнларни қайта кўчириш бўйича ташкилотлар. Ломбардлар. Дафн маросимлари бюролари, қабристонлар ва бошқалар. | |
| 79. | Тез ёрдам ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам станциялари, қон қуйиш станциялари. | |
| 80. | Туғруқхоналар, акушерлик-гинекология комплекслари, перинатал марказлар, скрининг марказлар, чақалоқлар уйлари, сут ошхоналари. | |
| 81. | Санаторийлар, санаторий-профилакторийлар, даволайдиган пансионатлар, курорт поликлиникалари, касалликни даволайдиган даволаш масканлари, балчиқ билан даволайдиган даволаш | |

| Т/р | Касбий таваккалчилик класслари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар) | Суғурта тарифи коэффициенти $К_{СТ}$ |
|---|---|---|
| | масканлари, йил бўйи ишлайдиган ихтисослаштирилган санаторий оромгоҳлари. | |
| 82. | Фельдшерлик-акушерлик пунктлари. | |
| 83. | Дезинфекция станциялари (вилоят, шаҳар, туман). | |
| 84. | Шаҳар, вилоят, республика, туман санитария-эпидемиология станциялари, ўлатга қарши станциялар. Фуқаро авиацияси санитарий-эпидемиология станциялари, сув транспортида санитарий-эпидемиология станциялари (бассейн, порт, линияли). | |
| 85. | Санитария маърифати уйлари (саломатлик марказлари). | |
| 86. | Суд-тиббий экспертиза бюролари, патология-анатомия бюролари. | |
| 87. | Касалхоналар ва даволовчи врачлар томонидан амалга оширилмайдиган инсон соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича фаолият. Беморларга қараш соҳасида юридик ваколатли паратиббий ходимлар фаолияти киритилади. | |
| 88. | Даволамайдиган болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, дам олиш уйлари, пансионатлар ва бошқа дам олиш муассасалари. | |
| 89. | Аттракционлар боғлари фаолияти, ижтимоий-маданий мақсадли буюмлар прокати, бильярд клублари, компьютер ўйинлари ва бошқа ўйинлар ташкилотлари ва бошқалар. | |
| 90. | Туристик меҳмонхоналар, туристик базалар, мотеллар, кемпинглар, экскурсия бюролари ва саёҳатлар бюроси, халқаро туризмни ташкил этиш муассасалари. | |
| | **03 класс** | |
| 91. | Ҳисоблаш техникаларини техник ва дастурий жиҳатдан таъмирлаш, фойдаланишга топшириш ва комплекс марказлаштирилган хизмат кўрсатиш бўйича корхоналар. | 1,143 |
| 92. | Пиво ва солод ишлаб чиқариш корхоналари. | |
| 93. | Чизмачилик ва идора анжомлари, кўргазмали қўлланмалар ишлаб чиқарадиган корхоналар. Протезлар, пар ва патдан буюмлар, момиқ, чипта, жун, алафдан матраслар ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 94. | Транспортда техник назорат қилиш (кемачилик инспекциялари, дарё ва кўл регистри инспекциялари, кам ўлчамли кемалар бўйича инспекциялар ва ҳоказолар), транспорт фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш. | |
| 95. | Кенг истеъмол қилинадиган ноозиқ-овқат товарлари билан чакана савдо қилиш. | |
| 96. | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш. | |
| 97. | Цемент, қум, шағал, ғишт, қурилиш ойнаси, лок, бўёқ ва бошқа қурилиш материаллари билан чакана савдо қилиш. | |
| 98. | Мева ва сабзавотлар, сут маҳсулотлари, тухум, озиқ-овқат мойлари ва ёғлари, гўшт, балиқ маҳсулотлари, шакар, қандолатчилик ва нон-булка маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ва ҳоказолар. | |
| 99. | Чакана савдо бозорлари. | |
| 100. | Бошқа чакана савдолар. | |
| 101. | Ошхона-фабрикалар, тайёрлаш фабрикалари, ресторанлар, ошхоналар, кафе, буфетлар, газакхоналар, кафетериялар, чойхоналар ва умумий овқатланишнинг бошқа корхоналари, шунингдек барча типдаги мустақил умумий овқатланиш корхоналари ва бошқалар. | |

| Т/р | Касбий таваккалчилик класслари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар) | Суғурта тарифи коэффициенти $К_{СТ}$ |
|---|---|---|
| 102. | Металл парчаларини йиғиш, қайта ишлаш ва чиқиндиларни кўмиш. | |
| 103. | Корхоналар, ташкилотлар ва фуқароларнинг мол-мулкини қўриқлаш соҳасида хизматлар кўрсатадиган ташкилотлар. | |
| 104. | Давлат буюртмаси ва ҳукуматлараро битимлар бўйича маҳсулот етказиб берувчи корхоналар. | |
| 105. | Меҳмонхоналар, четдан келганлар учун ётоқхоналар. | |
| | **04 класс** | |
| 106. | Йўловчилар, юк, махсус касалхона лифтлари ишлаб чиқариш корхоналари. | 1,429 |
| 107. | Тиббий ва мактаб асбоб-ускуналари, кино қурилмалар, коммунал ускуналар ва маданий-маиший мақсаддаги бошқа ускуналарни таъминлайдиган ихтисослаштирилган корхоналар. | |
| 108. | Енгил автомобиллар, мотоцикллар, мотороллерларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар. | |
| 109. | Эфир мойлари ва синтетик хушбўй моддалар, пардоз-андоз буюмлари ва атир совун ишлаб чиқарувчи корхоналар. | |
| 110. | Тамаки ферментациялаш корхоналари. | |
| 111. | Папирос, сигарет, тамаки, сигара ва махорка ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 112. | Матбаа комбинатлари ва фабрикалари, босмахоналар, босмахона-литографиялар, литографиялар, цинкографиялар, китоб, китоб-журнал фабрикалари, китоб фабрикалари, офсет рангли нотали босиш фабрикалари, ҳарф териш фабрикалари, сурат териш марказлари, фоторепродукция марказлари ва бошқалар. | |
| 113. | Заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш ва таъмирлаш корхоналари. | |
| 114. | Шиша, чинни ва пластик массалардан тиббиёт буюмлари, тиш материаллари, шу жумладан протезлар ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 115. | Ишлаб чиқариш фотобирлашмалари, фотокомбинатлар, фотоишлар фабрикалари, фотокинолабораториялар. | |
| 116. | Умумий фойдаланиладиган қувурлар. Газ қувурлари ва улардан ажратмалар:<br>нефть, нефть маҳсулотлари, газ конденсати, кенг фракция ва енгил углеводородлар, газ, сув, кўмир ва бошқа юкларни узатиш учун қувурлар;<br>насос, компрессор ва тақсимлаш станциялари, хизмат кўрсатиш шохобчалари. | |
| 117. | Монтаж қилинган асбоб-ускуналарни ишга туширадиган ва созлайдиган ташкилотлар. | |
| 118. | Кенг истеъмол қилинадиган ноозиқ-овқат товарлари билан улгуржи савдо қилиш. | |
| 119. | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, пахта ва дон бундан мустасно харид қилиш ва сотиш бўйича улгуржи қишлоқ хўжалиги бозорлари. | |
| 120. | Цемент, қум, шағал, ғишт, қурилиш ойнаси, локлар ва бўёқлар ва бошқа қурилиш материаллари билан улгуржи савдо қилиш. | |
| 121. | Мевалар ва сабзавотлар, сут маҳсулотлари, тухум, озиқ-овқат мойлари ва ёғлари, гўшт, балиқ маҳсулотлари, шакар, қандолатчилик ва нон-булка маҳсулотлари ва ҳоказолар билан улгуржи савдо қилиш. | |

| Т/р | Касбий таваккалчилик класслари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар) | Суғурта тарифи коэффициенти $К_{СТ}$ |
|---|---|---|
| 122. | Бирор бир аниқ ихтисослашувсиз товарларнинг кенг турлари билан улгуржи савдо қилиш. | |
| 123. | Савдо марказлари, универмаглар, универсамлар, дўконлар, шохобчалар, автодўконлар, павильонлар, харид қилиш пунктлари, товар омборлари, савдо қилувчи ташкилотларнинг базалари, аҳолига ёқилғи ва суюлтирилган газ сотиш бўйича савдо корхоналари, картошка сақлаш жойлари ва бошқалар. | |
| 124. | Ишлаб чиқариш-техника мақсадидаги асбоб-ускуналар ва машиналарни ёллашга (ижарага) топширишга ихтисослашган корхоналар, ташкилотлар. | |
| 125. | Топография-геодезия ишларини бажарадиган корхоналар ва ташкилотлар. | |
| 126. | Гидрометмарказлар, гидрометстанциялар, гидрометхизмат бошқармаси, гидрометобсерватория, об-ҳаво бюролари, гидрометбюро, радиометмарказлар, авиаметстанциялар, коинотдан ахборот қилувчи пунктлар, атмосферани ракетадан мўлжаллаш станцияси, отрядлар ва экспедициялар ва бошқалар. | |
| 127. | Сув ва ҳаво софлиги билан боғлиқ ўлчашлар, радиоактивликни ўлчаш, тутун ва оқова сувлар сингари ифлослантиришнинг потенциал манбаларини тадқиқ этиш, озиқ-овқат маҳсулотлари сифати соҳасидаги тадқиқотлар ва ҳоказолар. | |
| 128. | Ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг уй-жой-коммунал идоралари, уй-жойлар ва ётоқхоналарнинг комендатуралари (четдан келувчилар учун ётоқхоналардан ташқари). Чорбоғлар ва уй-жой ширкатлари. | |
| 129. | Олий ўқув юртлари, коллежлар, лицейлар, техникумлар, билим юртлари, мактаб-интернатлар ва бошқа ўқув юртларининг ётоқхоналари. | |
| 130. | Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари. | |
| 131. | Шаҳарлар ва посёлкалар, хўжаликлар, шаҳар йўллари, кўприклар, йўл ўтказгичлар ва ўтиш жойлари, қирғоқ бўйини санитария жиҳатдан тозалаш ва йиғиштириш ташкилотлари, муҳандислик ҳимояси (тирговуч деворлар, дамбалар, қирғоқни мустаҳкамлаш ва ҳоказолар), шаҳарлар ва шаҳар типидаги посёлкаларни кўкаламзорлаштириш ташкилотлари, шаҳарларнинг муҳандислик иншоотлари. | |
| 132. | Ташқи ёритишдан фойдаланиш бўйича ташкилотлар. | |
| 133. | Ичимлик сувини тақсимлаш тармоқларини ишлатиш ҳамда коммунал-маиший эҳтиёжлар ва аҳолига сувни тақсимлаш ташкилотлари, коммунал-маиший эҳтиёжлар учун канализация тармоқларидан (тозалаш иншоотлари билан бирга) фойдаланиш ташкилотлари. | |
| | **05 класс** | |
| 134. | Ахборотнинг техник манбаларини ишлаб чиқариш корхоналари. | 1,714 |
| 135. | Юк автомобиллари ва автобусларни таъмирлаш корхоналари. | |
| 136. | Ишлаб чиқариш мақсадидаги савдо ускуналари, ёнғинга қарши ускуналар ва бошқа асбоб-ускуналарни таъмирлаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар. Алоқа ускуналарини таъмирлаш корхоналари. | |
| 137. | Маиший радиоэлектрон аппаратлар, маиший машиналар, хўжаликда ишлатиладиган приборлар ва металл буюмлар (радиоприёмниклар, телевизорлар, магнитофонлар ва бошқалар)га иш- | |

| Т/р | Касбий таваккалчилик класслари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар) | Суғурта тарифи коэффициенти $К_{СТ}$ |
|---|---|---|
| | лаб чиқариш-техника, техносавдо хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар. | |
| 138. | Оммавий тикиладиган тикув буюмлари, эркаклар, аёллар ва болалар уст кийимининг барча турларини (мўйна ва чарм кийимлардан ташқари) формалик кийим, махсус кийим, ички кийимлар, ўрин чойшаблари, техник тикув буюмлари ишлаб чиқарадиган корхоналар (шу жумладан моделлар уйлари). | |
| 139. | Барча турдаги қандолатчилик маҳсулотлари, какао-кукун, ҳолва, шарқ ширинликлари, сунъий асал, шакар қиёмга бостирилган мевалар ва ундан қилинган қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари. | |
| 140. | Этил хом ашё спирти, спирт-ректификат ишлаб чиқариш корхоналари. | |
| 141. | Ароқ ва ликер-ароқ ишлаб чиқариш корхоналари. | |
| 142. | Вино материаллари, мусаллас, шампан виноси, коньяк, ҳўл ва резавор мева винолари ишлаб чиқариш ва қуйиш корхоналари. | |
| 143. | Буғдойдан тайёрланган квас, морс, бражки, мевали сувлар, газлаштирилган сувлар, алкоголсиз мусалласлар (концентратлар) ишлаб чиқариш ва минерал сувлар қуйиш корхоналари. | |
| 144. | Балиқ урчитиш ва балиқларни акклиматизация қилиш (балиқ етиштирадиган заводлар, ҳовуз ва кўл хўжаликлари ва бошқалар, балиқ мелиорация станциялари, балиқ урчитиш материали ишлаб чиқарадиган корхоналар). | |
| 145. | Йўналишли трамвай хизматлари (парклар, деполар, участкалар, авария пунктлари ва ҳоказолар), трамвай бошқармалари, идоралар. | |
| 146. | Йўналишли метрополитен хизматлари (парклар, деполар, участкалар, авария пунктлари ва ҳоказолар), метрополитен бошқармалари. | |
| 147. | Йўналишли троллейбус хизматлари (парклар, деполар, участкалар, авария пунктлари ва ҳоказолар), троллейбус транспорти бошқармалари. | |
| 148. | Конвейер, трубогидравлик потокли-контейнер, трубопневмоконтейнер, трубопневматик ва осма арқонли, бир рельсли транспорт ва транспортнинг бошқа турлари: кўтариш йўлларининг йўналишли хизматлари (парклар, депо, участкалар, авария пунктлари). | |
| 149. | Газ тақсимлаш тармоқларидан фойдаланиш ҳамда коммунал маиший эҳтиёжлар ва аҳолига газни тақсимлаш ташкилотлари. | |
| 150. | Иссиқликни коммунал-маиший эҳтиёжлар ва аҳолига тақсимлаш учун иссиқлик тақсимлаш тармоқларидан фойдаланиш ташкилотлари. | |
| 151. | Хизмат биноларидан фойдаланиш ва уларни хўжалик жиҳатидан бошқариш. | |
| 152. | Кўнгилли ёнғин жамиятлари, ёнғинга қарши хавфсизлик бўйича хизматлар кўрсатадиган ташкилотлар. | |
| | **06 класс** | |
| 153. | Гидроэлектр станциялари, уларга тегишли барча иншоотлар билан биргаликда. | 2,00 |
| 154. | Синтетик аммиак, азот кислотаси, азотли ўғитлар ва табиий ва кокс газини комплекс қайта ишлаш йўли билан олинадиган бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |

| Т/р | Касбий таваккалчилик класслари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар) | Суғурта тарифи коэффициенти $К_{СТ}$ |
|---|---|---|
| 155. | Кимёвий усул билан олинадиган кальцийлаштирилган сода, натрий бикарбонат, каустик сода, натрий сульфат ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 156. | Табиий ва сунъий чармдан йўл ва галантерея буюмлари (жомадонлар, портфеллар, ранецлар, қўлқоплар, ҳамёнлар, кармонлар, камарлар, тасмалар қўлқоплар), спорт буюмлари (спорт тўплари, покришкалар, қўлқоплар ва ҳоказолар) ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 157. | Нон ва нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 158. | Ўсимлик мойи ишлаб чиқариш, ёғларни гидрогенизациялаш, маргарин маҳсулотлари, саломас, майонез, олеин, стеарин, шамлар ва табиий олиф ишлаб чиқариш корхоналари. | |
| 159. | Мол ёғи, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, пишлоқ, бринза, музқаймоқ, казеин, қуруқ сут ва бошқа сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 160. | Синтетик кимёвий фармацевтик дори препаратлари, шунингдек ўсимлик хом ашёсидан дори-дармонлар, витаминлар, ферментлар ва коферментлар, ҳайвондан олинадиган эндокрин препаратлар, антибиотиклар ва қоннинг ўрнини босувчилар ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 161. | Ветеринария амбулаториялари, поликлиникалари, шифохоналари, участкалари, пунктлари, қўриқлаш-карантин ветеринария пунктлари, ветеринария-бактериология лабораториялари, ветеринария инспекциялари, ветеринария, ветеринария-санитария станциялари ва отрядлари. | |
| 162. | Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш корхоналарини хўжалик жиҳатидан бошқариш ташкилотлари. | |
| 163. | Темир йўлларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш корхоналари, йўловчиларга хизмат кўрсатадиган темир йўл вокзаллари, станциялар, локомотив, электровагон ва дизель-поезд деполари, вагон деполари, йўл масофаси вагон участкалари ва бошқалар. | |
| 164. | Юкларни ортиш-тушириш корхоналари, пунктлар, ортиш-тушириш ишларининг механизациялаштирилган масофалари ва участкалари, узатиш базалари, ўраш идоралари, транспорт-экспедиция идоралари, контейнер майдончалари, уларнинг базалари ва омборлари ва бошқалар. | |
| 165. | Аҳоли ва корхоналарнинг буюртмаларини бажарадиган транспорт-экспедиция корхоналари. | |
| 166. | Нефть, газ ва термал сувларнинг фойдаланиш қудуқларини қурадиган ташкилотлар. | |
| | **07 класс** | |
| 167. | Полимер плёнкалар, термопластлардан листлар ва қувурлар (полиолефин, полихлорвинил, полиамид, лавсан, полистирол бошқа термопластлар) ишлаб чиқарадиган корхоналар. | 2,286 |
| 168. | Маиший совутгичлар ва музлатгичлар ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 169. | Поллар учун керамик плиткалар, қоплама сирланган плиткалар, биноларнинг олд томонини қоплаш учун керамик буюмлар, керамик канализация ва дренаж қувурлари, керамик кислотага чидамли буюмлар ва бошқа буюмларни ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |

| Т/р | Касбий таваккалчилик класслари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар) | Суғурта тарифи коэффициенти $К_{СТ}$ |
|---|---|---|
| 170. | Трикотаж полотно, шу жумладан техник трикотаж полотно, шунингдек бўяш учун бошқа корхоналарга бериладиган носки буюмлари ишлаб чиқарадиган корхоналар (шу жумладан моделлар уйлари). Носки буюмлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ва бошқалар. Аҳолининг буюртмалари бўйича трикотаж буюмлар тайёрланадиган корхоналар. | |
| 171. | Умумий фойдаланиладиган шоссе йўлларни ва улардаги иншоотларни таъмирлаш ва сақлаш корхоналари ва ташкилотлари, коммунал хўжаликка тегишли бўлган шаҳардаги йўллардан ташқари, йўл-фойдаланиш ва кўприк участкалари ва йўл бўлимлари бошқармалари ва ҳоказолар. | |
| | **08 класс** | |
| 172. | Қаттиқ, суюқ ва газсимон ёқилғида ишлайдиган буғқувур, газқувур, дизель ва бошқа электр станциялари. | 2,571 |
| 173. | Мустақил электр тармоқлари (туман энергия тизимларининг электр узатиш линиялари ва электр кичик станциялари ҳамда мустақил балансда турувчи бошқа электр тармоқлари). | |
| 174. | Мустақил иссиқлик тармоқлари (туман энергия тизимларининг иссиқлик тармоқлари ва мустақил балансликда турувчи бошқа иссиқлик тармоқлари). | |
| 175. | Мустақил балансда турувчи туман буғқозонлари ва бошқа буғқозонлар. | |
| 176. | Нефть ва қўшилиб чиқадиган газни қазиб олиш корхоналари ҳамда озокерит қазиш корхоналари. | |
| 177. | Нефтни қайта ишлаш ва нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари (қурумсиз заводлар). | |
| 178. | Табиий (ёнадиган) газ ва газ конденсати қазиб оладиган корхоналар. | |
| 179. | Табиий (ёнадиган) газни қайта ишлайдиган корхоналар, гелий ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 180. | Сиқилган ва суюлтирилган газлар, кислород, водород, аргон, криптон, ксенон ишлаб чиқарадиган корхоналар. Калий ўғитлари ва бошқа кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш. Афтоген корхоналар. | |
| 181. | Пластмассадан қутилар, лотоклар, бочкалар ва қоплар ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 182. | Газламадан тайёрланган буюмларни оқартирадиган, ним кўкартирадиган ва крахмаллайдиган воситалар, доғни кетказадиган, тозалайдиган, сирлайдиган воситалар, чарм ва замшдан тайёрланадиган буюмларни парвариш қилиш воситалари, елимлайдиган воситалар, парвариш қилиш воситалари ишлаб чиқариладиган ихтисослаштирилган корхоналар. | |
| 183. | Тупроққа ишлов берадиган ва экиш машиналари (шу жумладан ўғит сепгичлар), донни ўриш, қуритиш ва йиғиб олгандан кейин қайта ишлаш учун машиналар, техника экинлари учун машиналар, агрегатлар, узеллар, деталлар, эҳтиёт қисмлар ва технологик жиҳозлар. | |
| 184. | Цемент саноати ва оҳактош материаллар саноати учун технология асбоб-ускуналари ишлаб чиқарадиган корхоналар: йиғма темир-бетон, асбоцемент буюмлар, иссиқликни изоляция қиладиган материаллар заводлари ва бошқалар. | |
| 185. | Тўқимачилик саноати (шу жумладан пахта тозалаш, бўяш, безаш ускуналари) кигиз-намат ва тўқимачилик галантерея са- | |

| Т/р | Касбий таваккалчилик класслари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар) | Суғурта тарифи коэффициенти $К_{СТ}$ |
|---|---|---|
| | ноати учун технология асбоб-ускуналари ишлаб чиқарадиган корхоналар ва бошқалар. | |
| 186. | Тикув ва трикотаж саноати учун технология асбоб-ускуналари ишлаб чиқарадиган корхоналар. Ниналар ва тикув ва трикотаж саноати учун бошқа оммавий деталлар ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган корхоналар. | |
| 187. | Асфальт-бетон ва бошқа битум-минерал аралашмалар ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 188. | Ўсимлик ва синтетик дубил экстрактлар ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 189. | Ош тузи қазиб оладиган ва майдалайдиган корхоналар. | |
| 190. | Табиий чойни қадоқлайдиган ва пресслайдиган корхоналар (шу жумладан тош чойни пресслаш). | |
| 191. | Ўсимлик хом ашёси, этил спирти, фурфурол ва унинг ҳосилаларидан, кўп атомли спиртлар, ёғоч ва қишлоқ хўжалиги ўсимликлари чиқиндиларидан гидролиз усулида олинадиган бошқа маҳсулотлардан озуқа хамиртурушлари ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 192. | Тиббиёт инструментлари, приборлар, аппаратлар ва ускуналар ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 193. | Ноишлаб чиқариш мақсадидаги бинолар ва иншоотларни таъмирлайдиган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари (бинолар ва иншоотларни таъмирлаш ва қайта қуриш идоралари). | |
| 194. | Аҳоли буюртмалари бўйича уй-жойлар (квартиралар)ни таъмирлайдиган ва қурадиган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари. | |
| 195. | Тайёрлов (йўналишли, пристан, чуқур) пунктлари, бўлимлар, сотиш ва узатиш базалари, элеваторлар, уруғни тозалайдиган ва донни қуритиш корхоналари ва пунктлари, ўсимлик ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш идоралари.<br>Соф бошқарув ёки устун даражада бошқарув функцияларига эга бўлган тайёрлаш ташкилотлари, тайёрлаш идоралари ҳам шу жумлага киради. | |
| | **09 класс** | |
| 196. | Пластмассадан прессли, қуйилган, пневмо- ва вакуум-шаклли ва бошқа буюмлар ишлаб чиқарадиган корхоналар, маданий, маиший буюмлар ва хўжаликда ишлатиладиган буюмлар, шунингдек пресслаш усули билан олинадиган қатламли пластиклар (қоғоздан ясалган ва бошқа). | 2,857 |
| 197. | Локлар, бўёқлар (матбаа бўёқлари ҳам шу жумлага киради) ва улар учун минерал пигментлар ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 198. | Парда-нафис тўр парда буюмлари, тўрлар, жияк буюмлари (тасмалар, чийратма иплар ва ҳоказолар) ленталар, соябонлар, батик буюмлари (шарфлар, учбурчакли рўмолчалар, сўзаналар ва ҳоказолар) галстуклар, эркаклар ва болалар боғлагичлари, фитиллар, байроқчалар, байроқлар, вимпеллар ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 199. | Шакар ва рафинад ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 200. | Ун ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 201. | Ёрма ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 202. | Омихта ем ва оқсил-витамин қўшимчалари ишлаб чиқарадиган корхоналар, маккажўхорининг гибрид ва навли уруғларига қайта ишлов берадиган корхоналар. | |

| Т/р | Касбий таваккалчилик класслари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар) | Суғурта тарифи коэффициенти $К_{СТ}$ |
|---|---|---|
| 203. | Папье-машедан, мастикадан, целлулоид, пластмасса ва бошқа материаллардан металл, ёғоч, енгил эгиладиган, ўймакорлик ўйинчоқлари ишлаб чиқарадиган корхоналар, арча безакларини, болалар мусиқали ўйинчоқларини ишлаб чиқарадиган корхоналар ва бошқалар. | |
| 204. | Умумий фойдаланилмайдиган темир йўл транспорти корхоналари (бирлашган темир йўл, темир йўл-автомобиль, темир йўл-сув хўжалиги, темир йўллар, локомотив ва вагон деполари, транспорт бошқармалари) ва уларнинг бўлимлари ва бошқалар. | |
| 205. | Пароходчилик, йўлларнинг ҳавза бошқармалари, кемалар сузадиган каналлар бошқармаси, пароходчиликнинг туман бошқармалари, пароходчиликнинг фойдаланиш участкалари, йўловчилар агентликлари ва вокзаллар, гидротехника иншоотлари, туманлари, гидроузеллар йўлларнинг техник участкалари ва бошқалар. | |
| 206. | Фуқаро авиациясидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари: бирлашмалар (аэропортлар билан) фуқаро авиациясининг ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқармалари, авиаотрядлар, мустақил авиаотрядлар (аэропортлар билан бирлашган) ва бошқалар. | |
| 207. | Ишлаб чиқариш мақсадидаги бинолар ва иншоотларни мукаммал таъмирлайдиган ташкилотлар, шунингдек ер ости муҳандислик коллекторлари ва иншоотларини мукаммал таъмирлаш. | |
| | **10 класс** | |
| 208. | Рангли металлар парчалари ва чиқиндиларига дастлабки ишлов берадиган ва иккиламчи рангли металлар қуядиган корхоналар. | 3,143 |
| 209. | Синтетик смола ва пластик массалар ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган корхоналар. | |
| 210. | Ҳисоблаш комплекслари ва машиналари, уларнинг марказий ва маҳаллий қурилмаларини, тизимлараро алоқа қурилмаларини, аналог ва анолог-рақамли машиналарни дастурий бошқариш қурилмаларни сервис тарзида ишлаб чиқарадиган корхоналар ва бошқалар. | |
| 211. | Автомобиль, трактор ва мотоциклет электр ускуналари ва приборлар ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 212. | Ҳар хил мақсаддаги алоқа воситалари ишлаб чиқарадиган корхоналар ва ташкилотлар. Маданий-маиший мақсаддаги радио аппаратлари ишлаб чиқарадиган корхоналар: кенг эшиттирадиган радиоприёмниклар, радиолалар, телевизорлар, магнитофонлар, электрофонлар ва бошқалар. | |
| 213. | Металл банкалар, газ балонлари, қутилар ва бошқа қаттиқ ўраш материаллари, пойабзал инструменти, металл полотно ва чит, мебель ўраш пружиналари, техник ва хўжалик мақсадидаги занжирлар, лангарлар, металл фурнитура ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 214. | Саноатнинг барча тармоқлари куч ва ишлаб чиқариш ускуналарини таъминлайдиган ихтисослаштирилган корхоналар (металл қирқадиган ва ёғочга ишлов берадиган станокларни, тахта тилиш рамалар, темирчилик-пресслаш ва қуйиш ускуналарини таъмирлаш бундан мустасно). | |
| 215. | Локомотивлар, вагонлар ва темир йўллар ва йўл машиналарининг бошқа ҳаракатланадиган таркибини таъмирлайдиган ихтисослаштирилган корхоналар. | |

| Т/р | Касбий таваккалчилик класслари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар) | Суғурта тарифи коэффициенти $К_{СТ}$ |
|---|---|---|
| 216. | Денгиз, кўл ва дарё кемаларини, кема ускуналари, механизмлари ва приборларини таъмирлайдиган ихтисослаштирилган корхоналар. Махсус кемалар ва кемаларни таъмирлайдиган корхоналар. | |
| 217. | Қурилиш ва йўл машиналарини таъмирлайдиган корхоналар. | |
| 218. | Фуқаро самолётлари, вертолётлари, уларнинг асбоб-ускуналари ва авиация двигателларини таъмирлайдиган ихтисослаштирилган корхоналар. | |
| 219. | Целлюлоза, ярим целлюлоза, ёғоч массаси, қоғоз, картон, шунга ўхшаш целлюла-қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 220. | Қоғоз ва картондан ишлаб чиқариш мақсадидаги ҳар хил буюмлар (калька, пергамент, фибрин, картондан пойабзалнинг ички деталлари ва ҳоказолар) ишлаб чиқарадиган корхоналар. Барча турдаги қоғоз ва картон идишлар, гулқоғозлар, дафтарлар, қоғоз товарлари (альбомлар ва бошқалар) ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 221. | Юмшоқ том устига ёпиладиган (рубероид, пергамин, қора қоғоз ва бошқалар) ва гидроизоляция (пороизол, изол ва бошқалар) материалларнинг барча турларини ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 222. | Чарм пойабзал, тўқимачилик, комбинациялаштирилган, спорт, миллий, ортопедик ва чарм таглик ва чармнинг ўрнини босадиган таглик, бошқа пойабзал ишлаб чиқарадиган корхоналар (моделлар уйлари ҳам шу жумлага киради). | |
| 223. | Гўшт, зотдор парранда учун паррандаларни кўпайтириш. Паррандачилик (гўшт-тухум) бирлашмалари. | |
| 224. | Автомобиль хўжалигидан фойдаланадиган ва унга хизмат кўрсатадиган корхоналар ва ташкилотлар: бирлашмалар, ихтисослаштирилган бошқармалар, автомобиль хўжаликлари, автомобиль корхоналари, автобус ва таксомотор парклари, автотранспорт идоралари ва бошқалар. | |
| 225. | Қурилиш-монтаж ишлари ва бошқа ишларни бажарадиган умумқурилиш ва ихтисослаштирилган ташкилотлар. | |
| 226. | Ер юзаси ва жаҳон океани тубининг биологик таркибини суратга оладиган ва ер қаърини чуқур ўрганадиган корхоналар ва ташкилотлар. | |
| 227. | Нефть ва газ конларини геофизик усуллар билан қидирадиган корхоналар ва ташкилотлар. | |
| 228. | Чуқур бурғулашни қўллаган ҳолда нефть ва газ конларини излайдиган ва разведка қиладиган, шунингдек қудуқларда саноат-геофизика тадқиқотлари олиб борадиган, қудуқларни маҳсулдорлигига кўра синовдан ўтказадиган ва бурғулаш билан боғлиқ бошқа ишларни бажарадиган корхоналар ва ташкилотлар. | |
| 229. | Қаттиқ фойдали бойликлар, чучук сув, минерал ва термал ер ости сувлари конларини қидирадиган ва разведка қиладиган корхоналар ва ташкилотлар. | |
| 230. | Махсус ишларни амалга оширадиган ва алоҳида геологик вазифаларни, мавзули ва тажриба-методология ишларини, минерал хом ашёдан технологик тадқиқотларни бажарадиган корхоналар, ташкилотлар ва бошқалар. | |

| Т/р | Касбий таваккалчилик класслари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар) | Суғурта тарифи коэффициенти $К_{СТ}$ |
|---|---|---|
| | **11 класс** | |
| 231. | Қаттиқ қотишмалар, қийин эрийдиган, кукун материаллар ишлаб чиқарадиган корхоналар. | 3,429 |
| 232. | Фосфат ўғитлар, фосфор ва фосфат тузлари, олтингугурт ва фосфор кислотаси, хром бирикмалари ва бошқа неорганик маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 233. | Тола, кимёвий иплар ва кимёвий иплардан корд мато ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 234. | Бошқа кимёвий (активлаштирилган кўмир, карбюризаторлар, кимёвий шимадиган моддалар, кремний органик бирикмалар ва бошқалар) маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган корхоналар. | |
| 235. | Автомобилларнинг барча турларини (шу жумладан енгил ва ихтисослаштирилган автомобиллар), автобуслар, автошатаклар, автомобиль ва трактор тиркамалари, трейлерлар, троллейбуслар ишлаб чиқарадиган корхоналар. Автомобилларнинг кам литраж-ли ва қайиқларнинг двигателлари, агрегатлар, карбюраторлар. | |
| 236. | Гараж асбоб-ускуналарини ишлаб чиқарадиган корхоналар (ювиш, назорат-синаш, оптик ва бошқа стендлар) ҳайдовчи анжомлар (қўл домкратлари ва бошқалар) ва ҳоказолар. | |
| 237. | Электрон техника буюмлари ишлаб чиқарадиган (интеграл микросхемалар, вакуум ва ярим ўтказгич приборлари, синтетик пьезокварц ва ундан тайёрланган буюмлар, радио деталлари ва радио компонентлари ва бошқалар). | |
| 238. | Пойабзал ва галантерея саноати учун фурнитура ва метизлар ва бошқа буюмлар ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган корхоналар. | |
| 239. | Мева-сабзавот саноати. Мева-сабзавот консервалари, шу жумладан гўшт-ўсимлик ва дуккакли ўсимликлар консервалари ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 240. | Гўшт, колбаса, дудланган балиқ ва бошқа гўшт маҳсулотлари, гўшт консервалари ишлаб чиқарадиган корхоналар. Парранда гўштини қайта ишлайдиган корхоналар. | |
| 241. | Балиқ овлаш, денгиз маҳсулотларини қазиб олиш ва ушбу хом ашёни қайта ишлайдиган корхоналар; балиқ кулинарияси ва балиқ консервалари комбинатлари ва корхоналари, балиқ саноати совутгичлари, заводлар, аэробалиқ қидириш. | |
| 242. | Суғориш, сув чиқариш ва қуритиш тизимларидан фойдаланиш (ички хўжалик фойдаланилиши бунга кирмайди), шу жумладан сув омборлари платиналари, гидроузеллар, насос станциялари ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари. | |
| 243. | Ўрмонларни кўпайтириш, ўрмонларни тиклаш, ўрмонни парвариш қилиш, ўрмонни зарарли ҳашаротлар ва касаллик-лардан ҳимоя қилиш. Ўрмонларни муҳофаза қилиш, ўрмонларни бериш ва ўрмон фондини ҳисобга олиш. Барча ўрмондан фойдаланиладиганларни ҳисобга олиш ва ташкил этиш, ёввойи ҳайвонлар ва ҳайвонларни қўриқлаш. | |
| 244. | Ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар, қайин шарбати, мевалар, қўзиқоринлар, ёнғоқлар, резавор мевалар, олмалар, уруғлик, доривор ўтларни тўплаш ва уларга дастлабки ишлов бериш. | |
| 245. | Ер ишларини бажаришга ихтисослашган қурилиш ташкилот-лари. | |

| Т/р | Касбий таваккалчилик класслари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар) | Суғурта тарифи коэффициенти $К_{СТ}$ |
|---|---|---|
| 246. | Бинолар ва иншоотлар ҳамда бошқа объектлар қуриш билан боғлиқ бурғулаш ва бурғулаш-портлатиш ишларига ихтисослашган қурилиш ташкилотлари. | |
| 247. | Бинолар ва иншоотларнинг бетон, темир-бетон ва металл конструкцияларини монтаж қилишга ихтисослашган ташкилотлар. | |
| 248. | Сувоқ, бўяш, қоплаш ва безаш ишларининг бошқа турларини бажарадиган ташкилотлар. | |
| 249. | Қурилиш конструкциялари, тикланадиган иншоотлар, ўрнатилган асбоб-ускуналар ва технологик қувурларни изоляциялаш, антисептирлаш ва бўяш, буғ қозонлари, печлар ва бошқа агрегатларни қоплаш, футерлаш ишларини бажарадиган ташкилотлар. | |
| 250. | Водопроводлар, канализациялар, газлаштириш, теплофикация ва марказий иситиш (иситиш буғ қозонлари, радиаторлар, калориферлар, бойлерлар ва ҳоказолар)нинг ички санитария-техника ускуналари ва қурилмаларини монтаж қиладиган ташкилотлар. | |
| 251. | Ирригация-мелиорация бўйича махсус қурилиш ишларини бажарадиган ташкилотлар (суғориш, қуритиш). | |
| 252. | Ташқи коммуникациялар (водопроводлар, канализациялар, теплофикациялар ва бошқалар)ни ётқизадиган, магистраль нефть-газ маҳсулотлари қувурларини ётқизадиган ташкилотлар). Темир йўллар ва автомобиль йўллари қуриш. Шаҳар йўллари қуриш ва бошқалар. | |
| 253. | Дарёларда сув ости-техник, ғоввослик, тубни чуқурлаштириш, қирғоқни мустаҳкамлаш, бошқариш ишларини, тупроқни ювиш ишларини (асосий фаолият учун қум ва бошқа норуда хом ашёни гидро ювиш бўйича ишлар билан боғлиқ бўлмаган) бажарадиган ташкилотлар. | |
| 254. | Уй қурадиган ихтисослаштирилган ташкилотлар. | |
| 255. | Бошқа ихтисослаштирилган қурилиш ташкилотлари. | |
| 256. | Қурилишда техника назоратини амалга оширадиган ташкилотлар. | |
| | **12 класс** | |
| 257. | Қора металл парчалари ва чиқиндиларига ишлов берадиган заводлар. | 3,714 |
| 258. | Никель ва кобальт ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 259. | Электр двигателлар ва электр генераторлар, электр ўзгартириш қурилмалари (трансформаторлар, мотор-генераторлар, куч тўғрилагичлари), юқори вольтли ва паст вольтли электр аппаратлари, конденсаторлар, электр ускуналари ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 260. | Кучли ва кучсиз токнинг кабеллари ва симларини, ўраш симларини, шнурлар ва кабель маҳсулотларининг бошқа турларини ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 261. | Қўрғошинли ва ишқорли аккумуляторлар, гальваник элементлар ва батареялар, электр бурчак буюмлари ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 262. | Пайвандлаш узеллари ва буюмлари тайёрлашда йиғиш-пайвандлаш операцияларини бажариш учун автоматик, ярим автоматик поток-механизиялаштирилган линиялар, универсал ва | |

| Т/р | Касбий таваккалчилик класслари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар) | Суғурта тарифи коэффициенти $К_{СТ}$ |
|---|---|---|
| | электр пайвандлаш ускуналари ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 263. | Кимё саноати ва саноатнинг бошқа тармоқлари кимёвий жараёнлари учун технология асбоб-ускуналари ва аппаратуралар ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 264. | Нефть-саноат ва бурғулаш геология-қидирув ускуналари ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 265. | Компрессор ускуналари ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 266. | Вакуум насослари ва агрегатлар ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 267. | Насослар ишлаб чиқарадиган корхоналар: саноатда умумий қўлланиладиган марказдан қочиш, узатма ва буғ поршенли насослар. | |
| 268. | Рангли металлар, кулранг ва осон болғаланадиган чўян, пўлат, нометалл материаллардан қувур саноат арматураси ишлаб чиқарадиган корхоналар. Лўкидон ишлаб чиқарадиган корхоналар ва бошқалар. | |
| 269. | Суюқликлар ва газларнинг ҳарорати, босими, кескинлиги ва даражасини, сарфи ва миқдорини, моддаларнинг таркиби ва хоссаларини ўлчаш ва бошқариш учун приборлар, иккиламчи приборлар, регуляторлар ва ижро механизмлари ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 270. | Ток, кучланиш, қаршилик, қувват, частота, фазани ўлчаш учун электр ўлчаш приборлари, штитлар, лаборатория ва кўчма стрелочниклар ишлаб чиқарадиган корхоналар. Рақамли приборлар ва аналог-рақамли ўзгартиргичлар. | |
| 271. | Назорат-ўлчаш, геодезия, астрономия приборлари ишлаб чиқарадиган корхоналар. Фотоаппаратлар, фотокинообъективлар, киноаппаратлар. Моддаларнинг таркиби ва хоссаларини ўрганиш учун оптик ва оптик-механик приборлар. | |
| 272. | Метеорология ва аэрология, гидрология, геофизика ва геология приборлари ва аппаратлари ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 273. | Техника хавфсизлиги учун асбоб-ускуналар, ветеринария учун тиббиёт инструментлари, аппаратлар ва ускуналари ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 274. | Қувур узеллари, электромонтаж, санитария-техник заготовкалар, шунингдек назорат-ўлчов приборлари учун монтаж буюмлари ва автомат буюмлар тайёрлайдиган корхоналар. | |
| 275. | Катакли ва тиғиз силикато бетондан йирик блоклар, йирик ва майда деворбоп бетон блоклари, шағал-бетон блоклар, табиий тошдан блоклар ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 276. | Куйдирилган ва селикат қуйдириш ғишти, керамика блоклари ва панеллар, ғиштдан блоклар ва панеллар, керамик черепица ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 277. | Табиий тошлар (блоклар): гранит, мармар, оҳактош ва бошқаларни қазиб оладиган конлар. Оҳактош ва гипсли тош ва шағал қазиб оладиган корхоналар. | |
| 278. | Титилган зиғир, калава, ип, хом мато ва тайёр газламалар (шу жумладан тикув станокларида ишлаб чиқарилган донали буюмлар), брезент ва бошқа техник ва ўраш учун газламалар, ёнғин қўлқопларининг узатма тасмалари ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |

| Т/р | Касбий таваккалчилик класслари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар) | Суғурта тарифи коэффициенти $К_{СТ}$ |
|---|---|---|
| 279. | Отчилик, буғучилик, туячилик, ҳайвонотчилик, асаларичилик, ипакчилик ва бошқалар. | |
| 280. | Ўсимликлар ва дов-дарахтларни ҳимоя қилишни, бошоқли дон экинларини тозалаш ва уларга кимёвий ишлов беришни ташкил этиш. Биостанциялар, биолабораториялар, карантин инспекциялари, сув ресурсларини тақсимлаш инспекциялари. | |
| 281. | Машина-трактор парклари. | |
| | **13 класс** | |
| 282. | Пўлат ва чўян (босимли) сув қувурлари (қувурлар) ва уларга фасонлар ишлаб чиқарадиган корхоналар. | 4,00 |
| 283. | Автомобиллар, тракторлар ва қишлоқ хўжалиги машиналари учун қўлқоплар, тасмалар, транспортёр ленталари, пластинлар, деталлар ҳамда бошқа резинотехника буюмлари, резинали моторлар, улардан тайёрланган буюмлар, латекс ва регинаратдан буюмлар ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 284. | Резина пойабзал ишлаб чиқарадиган ва уларни таъмирлайдиган корхоналар. | |
| 285. | Автомобиль, пневмоғилдиракли гусеницали миноралар, минорали кранлар, мачта ва юк ва йўловчиларни кўтарадиган кўтаргичлар, конвейерлар, лентали лебедкалар, қурилиш юклагичлари ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 286. | Шарикли ва роликли подшипниклар ва уларга деталлар ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 287. | Бинолар ва иншоотлар, кўприклар, ангарлар, электр узатиш линиялари учун қурилиш-пўлат конструкциялар, шунингдек бошқа қурилиш-металл конструкциялари ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 288. | Тузилмавий маконли ва рамали конструкциялар ва биноларнинг каркасларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар. | |
| 289. | Қурилиш деталлари (дераза ва эшик блоклари, паркет ва бошқалар), ёғоч толали, ёғоч қириндисили ва ёғоч-цемент плиталар, дурадгорлик плиталари ва ёғоч конструкциялар ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 290. | Мебель (шу жумладан плетень мебель), мебель деталлари, пружинали матраслар, металл каркасдаги мебеллар, мактаб ва болалар мебели, кутубхоналар, музейлар, дорихоналар учун махсус мебель ва ҳоказолар) ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 291. | Цемент, майдалаш қурилмалари ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 292. | Асбестоцемент листлар (шиферлар), конструктив элементлар ва деталлар, асбестоцемент қувурлар ва бошқа асбестоцемент буюмлар ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 293. | Шиша саноати учун бирламчи хом ашёни қазиб олиш. | |
| 294. | Дераза ойнаси, сирланган, архитектура-қурилиш ва техник шиша, пеношиша, силикат-глиба, тошдан ясалган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар. Шиша қувурлар ва блоклар, қурилиш, иссиқликни изоляция қиладиган шиша тола ва улардан тайёрланган буюмларни ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 295. | Шиша, консерва ва пардоз-андоз учун шиша идиш ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 296. | Навли ва хўжалик идиши, ойналар, термослар, лампалар ва фонарлар учун шиша, шишадан бадиий буюмлар, биллур буюм- | |

| Т/р | Касбий таваккалчилик класслари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар) | Суғурта тарифи коэффициенти $К_{СТ}$ |
|---|---|---|
| | лар ва бошқа хўжалик-маиший буюмларни ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 297. | Пойабзалнинг устки қисми учун сунъий юмшоқ чарм, қоплаш мақсадида тикув ва галантерея буюмлари ва маиший мақсаддаги бошқа товарларни ишлаб чиқарадиган корхоналар. Таглик резина, пойабзалнинг ички деталлари учун сунъий қаттиқ чарм ва бошқалар. | |
| 298. | Бошоқли ва дуккакли экинлар етиштириш, шу жумладан уруғчилик. | |
| 299. | Ҳўл мева, резавор мева ва узум, ҳўл мева, резавор мева ва узумнинг экиш материаллари етиштириш. | |
| 300. | Пахта хом ашёси етиштириш. | |
| 301. | Каноп, чой, эфир мойи, полиз маҳсулотлари, хмель, гуллар, декоратив ва доривор ўсимликлар, ўсимлик маҳсулотларининг бошқа турларини, шу жумладан кўчат материали ва уруғлик етиштириш. | |
| 302. | Аэрофото ўрмон қурилиши, ўрмон мелиорацияси, ўрмон тузиш корхоналари ва экспедициялар, ўрмонларни авиация воситасида муҳофаза қилиш базалари, ўрмон уруғларининг назорат станциялари, тупроқ ва норматив-тадқиқот лабораториялари, ўрмонларнинг инспекциялари. | |
| | **14 класс** | |
| 303. | Чўян, домна печи ферроқотишмалари, пўлат, қора металлар прокати, қора металларнинг кейинчалик ишланадиган ва металл кукунларини ишлаб чиқарадиган корхоналар. | 4,286 |
| 304. | Пўлат ва оддий сифатли пўлат арқонлар, михлар, маҳкамлаш буюмлари (гайкалар билан больтлар, шуруплар, винтлар ва бошқалар) пайвандлаш электродлари, металл тўрлар ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 305. | Бокситлар ва таркибида алюминий мавжуд бўлган бошқа хом ашёни қазиб оладиган, шунингдек эритилган шпатни қазиб оладиган ва бойитадиган корхоналар. | |
| 306. | Рангли металллар ва қотишмаларга ишлов бериш корхоналари. | |
| 307. | Умуммашинасозлик узеллари ва деталлари (редукторлар, гидроприводлар ва гидроавтоматика, пневматик ускуналар ва пневматик аппаратуралар, мойлаш ускуналари, фильтрлайдиган қурилмалар, тишли ғилдираклар ва бошқалар) ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган корхоналар. | |
| 308. | Қопловчи қум (шу жумладан қуруқ бойитилган, бентонит гил (шу жумладан кукунда), қолипловчи гил (шу жумладан кукунда), қоплама қилинадиган қопловчи қум, табиий ва сунъий оловда пиширилган оқ лой ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 309. | Иситиш қозонлари, приборлар (радиаторлар, қовурғали қувурлар, иссиқлик панеллари), иситиш-вентиляция ускуналари, (умумий вазифали вентиляторлар, калориферлар, газ агрегатларидан ташқари), уй буюмлари ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 310. | Автоматлаштирилган саноат газ ёнадиган қурилмалар, газ калориферлари, рекуператорлар, ҳар хил иситгичлар, саноат горелкалари учун пуфланган воситалар, пропорционализаторлар, маиший плиталар, газда ишлайдиган сув иситгичлар ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |

| Т/р | Касбий таваккалчилик класслари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар) | Суғурта тарифи коэффициенти $К_{СТ}$ |
|---|---|---|
| 311. | Авиация техникасини ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 312. | Метро вагонлари, трамвайлар ва троллейбусларни таъмирлайдиган ихтисослаштирилган корхоналар. | |
| 313. | Ипак хом ашёси етиштирадиган корхоналар. | |
| 314. | Тикув ва трикотаж ишлаб чиқариши учун калава, жун газламалар (шу жумладан хом мато, техник газламалар) ва донали буюмлар (одеяллар, рўмоллар, гиламлар ва гилам буюмлари ва бошқалар) ишлаб чиқарадиган корхоналар | |
| 315. | Гиламлар ва гилам буюмларини тайёрлайдиган ва таъмирлайдиган корхоналар. | |
| 316. | Толаларнинг ҳар хил турларидан газлама ва ногазлама ватин типидаги ногазлама материаллар ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 317. | Мўйначилик. Ёввойи паррандалар тухумлари, буғу, косуль шохлари ва ҳоказоларни йиғиш. Илвасинни кўпайтириш ва унинг селекцияси. Ёввойи ҳайвонлар, қушлар ва бошқаларни овлаш. | |
| 318. | Цирклар (доимий ва кўчма), халқ цирк жамоалари. | |
| | **15 класс** | |
| 319. | Хлор саноати. Электролиз усули билан олинадиган каустик сода, хлор, ацетилин асосида хлорорганик синтез маҳсулотлари ва органик маҳсулотлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари ишлаб чиқарадиган корхоналар. | 4,571 |
| 320. | Механизиялаштирилган маҳкамлагичлар, ўйма комплекслар ва агрегатлар, шахта электровозлари, вагонеткалар, шахта кўтариш машиналари, тозалаш ва ўтиш ишлари учун комбайнлар, кўмир қазиш учун стругак қурилмалар, қайта юклагичлар ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 321. | Металлдан жисмоний тарбия ва спорт учун буюмлар (қуроллар, балиқ овлаш анжомлари, ов анжомлари, конькилар) ишлаб чиқарадиган корхоналар. Болалар майдончалари учун ускуналар (зинапоялар, арғимчоқлар, каруселлар) ва бошқалар. | |
| 322. | Тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналарини ва инвентарни таъмирлайдиган ихтисослаштирилган корхоналар. | |
| 323. | Йиғма темир-бетон ва бетон (деворбоп материаллардан ташқари) конструкциялар арматура билан мустаҳкамлаш ҳам шу жумлага киради ва цементли ва цементсиз бетонлардан буюмлар ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 324. | Линолеумнинг ҳар хил турлари, уни елимлаш учун мастиклар, қурилиш, пенополистил буюмлар ва полимер хом ашёдан қурилиш учун бошқа буюмлар ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 325. | Қурилиш тоши, тошқол, қум-тош аралашма ва қурилиш қуми қазиб олиш, майдалаш ва бойитиш корхоналари. | |
| 326. | Тикув ва трикотаж ишлаб чиқариши учун иплар, хом мато ва тайёр ип-газламалар, шу жумладан техник газламалар (бельтинг, узатма тасмалар, ёнғин қўлқоплари ва ҳоказолар), момиқ, ип-газлама ватин, иплар ва бошқа буюмлар ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 327. | Калава, ипак, иплар, барча турдаги хом мато ва тайёр ипак газламалар ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| | **16 класс** | |
| 328. | Аппатит-нефелин ва фосфорит рудалар, табиий калийли тузлар, таркибида олтингугурт, бўр, маргумиш ва барит бор бўлган табиий рудаларни қазиб олиш ва бойитиш корхоналари. | 4,857 |

| Т/р | Касбий таваккалчилик класслари бўйича иқтисодиёт тармоқлари (кичик тармоқлар) | Суғурта тарифи коэффициенти $К_{СТ}$ |
|---|---|---|
| 329. | Темир йўл ва ҳаракатланадиган умумий мақсадли ва махсус металл, портал, козлов, контейнер, бир блокли (кран-тўсин) электр кўприк кранлари, кран-штабелер, остликлар, қўлда бошқариладиган кранлар ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 330. | Чорвачилик ва паррандачиликни механизациялаштириш учун озуқа тайёрлаш ва озуқа етиштириш учун машиналар уларга асбоб-ускуналар, узеллар, деталлар ва уларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 331. | Экскаваторлар, зовур ва тупроқ қазгичлар, землесослар, грейдерлар, бульдозерлар, скреперлар, сирмангичлар, қор ортиладиган машиналар, йўл созлагичлар ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган корхоналар. Қувурлар (қувур ётқизгичлар, қурилиши учун махсус машиналар) ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 332. | Тракторлар, тракторларнинг барча турларини, трактор ва комбайн двигателларини, агрегатлар, узеллар, деталлар ҳамда тракторлар ва кўрсатиб ўтилган двигателларга қисмлар ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 333. | Каноп толаси, жут ва толали ўсимликлар етиштирадиган корхоналар. | |
| | **17 класс** | |
| 334. | Таркибида қимматбаҳо металлар бор бўлган рудалар ва қумларни қазиб ва қайта ишлаш корхоналари. | 5,143 |
| 335. | Бўғ қозонлари, энергетика атом реакторлари ва қозонхона-ёрдамчи ускуналари ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 336. | Ёғочга ишлов бериш станоклари, тахта тиладиган рамалар, ёғочга ишлов бериш саноати учун автоматик ва ярим автоматик линиялар ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 337. | Хўжалик мақсадида чинни ва фаянс идиш ва бадиий чинни ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| | **18 класс** | |
| 338. | Кўмирни очиқ усулда қазиб оладиган корхоналар. | 5,714 |
| 339. | Қуйиш ускуналари ишлаб чиқариши. Аралашма тайёрлагич, қолиплагич ва стержень, тозалаш ва уриб чиқариш машиналари автоматик ва ярим автоматик поток линиялари, қуйиш машиналари ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| | **19 класс** | |
| 340. | Нометалл рудаларни қазиб олиш. Каолин, тальк, пегматит, слюда хом ашёси қазиб олиш ва бойитиш корхоналари. | 6,00 |
| 341. | Пахта тозалаш саноати. Пахта толаси ишлаб чиқарадиган корхоналар. | |
| 342. | Шахта қурилиши, шахталарни қуритиш бўйича махсус ишларни ва бошқа кон ковлаш ишларини, шу жумладан метрополитен қурилишини амалга оширадиган ташкилотлар. | |
| | **20 класс** | |
| 343. | Кўмирни ер ости усулида қазиб оладиган корхоналар. | 7,714 |
| 344. | Вольфрам-молибден рудасини қазиб оладиган ва бойитадиган корхоналар. | |

4. Иш берувчи фаолиятининг барча турлари профессионал таваккалчилик даражасига қараб класcларга бўлинади.

5. Профессионал таваккалчилик даражаси иш берувчилар фаолияти турлари бўйича шаклланадиган ишлаб чиқариш жароҳати, касб касаллиги

ва ижтимоий таъминлашга харажатлар даражасини ҳисобга оладиган профессионал таваккалчиликнинг интеграл кўрсаткичи миқдори асосида белгиланади.

6. Агар иш берувчи таснифлашда келтирилмаган фаолият турини амалга оширган тақдирда, фаолиятнинг ушбу турига нисбатан профессионал таваккалчилик даражалари бўйича 3,400 миқдорида суғурта тарифларининг ўртача қийматига тенг бўлган суғурта тарифи коэффициенти қўлланилади.

## II. Суғурта тарифининг таркиби

| Кўрсаткичлар | % |
|---|---|
| Суғурта мукофотининг брутто-ставкаси | 100 |
| Нетто-ставка (иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномалари бўйича жорий суғурта тўловларини таъминлашга мўлжалланган брутто-ставканинг бир қисми) | 70 |
| Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш харажатлари | 30 |
| шу жумладан суғурта ҳодисалари бошланишининг олдини олиш ва огоҳлантириш бўйича захирага ажратмалар | 5 |

Изоҳ. Олдини олиш тадбирлари захираси маблағларидан суғурталовчи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланадиган огоҳлантириш тадбирлари захираси тўғрисидаги низомда назарда тутилган мақсадларда фойдаланилади.

## III. Суғурта мукофоти суммасини аниқлашда суғурталовчилар томонидан мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифлари коэффициентларини қўллаш тартиби

1. Бир йил муддатга мажбурий суғурта шартномасини тузишда ушбу шартнома бўйича тўланиши керак бўлган суғурта мукофоти миқдори ($П_Р$) Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига ушбу илованинг I бўлимида келтирилган суғурта суммаси ($С_С$), йиллик базавий ставка ($Т_Б$) ва суғурта тарифининг тегишли тарифини ($К_{СТ}$) кўпайтириш йўли билан қуйида кўрсатилган формула бўйича аниқланади:

$$П_Р = С_С \times Т_Б \times К_{СТ} / 100$$

2. Бир йилдан кам муддатга мажбурий суғурта шартномасини тузишда ушбу шартнома бўйича тўланиши керак бўлган суғурта мукофоти миқдори ($П_Р$) Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига ушбу илованинг I бўлимида келтирилган суғурта суммаси ($С_С$), йиллик базавий ставка ($Т_Б$) ва суғурта тарифининг тегишли тарифини ($К_{СТ}$) ва мажбурий суғурта шартномаси тузиладиган кунлар сонини (Д) кўпайтириш йўли билан қуйида кўрсатилган формула бўйича аниқланади:

$$П_Р = С_С \times Т_Б \times К_{СТ} / 100 / 365 \times Д$$

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 24 июндаги 177-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарори билан тасдиқланган Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимчалар**

1. 6-банднинг «а» кичик бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномалари ёки аннуитетлар шартномаси тузиш, иш берувчилар (ёки) жабрланувчилар ёхуд наф олувчиларнинг суғурта товони ва товонини тўлаш тўғрисидаги талабларини кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган ўз филиаллари ва бошқа алоҳида бўлинмалари мавжуд бўлиши — иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталовчилар учун».

2. 9-банднинг «а» кичик бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Фаолияти предмети иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш ҳам ҳисобланадиган лицензия талабгорлари ушбу кичик бандда кўрсатилган ҳужжатлар билан биргаликда қўшимча равишда Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномалари ёки аннуитетлар шартномаси тузиш, иш берувчилар (ёки) жабрланувчилар ёхуд наф олувчиларнинг суғурта товони ва товонини тўлаш тўғрисидаги талабларини кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган ўз филиаллари ва бошқа алоҳида бўлинмалари мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этадилар».